

Ҳалол ва машаққатли меҳнат, илмга, касбга, ота-она ва оилага садоқат, ҳеч шубҳасиз, инсонни юксалтиради, унинг ҳаётини файзли ва чароғон этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
28-may
chorshanba
№ 21 (1448)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГУЛЛАР ДИЁРИ

Наманганда очилган 64-халқаро гуллар байрамидан репортаж



Аҳли Наманган бу шодиёнага астойдил ҳозирлик кўрибди. Кўчалар раван, атрофлари гулзор. Гулзорларга туташган яшиллик гўё узукка кўз кўйгандек. Бу гўзалликка нигоҳингиз тушган заҳоти кўзингиз кувонади, дилингиз яйраб кетади.

25 май, якшанба. Қуёш бош кўтариб атрофга нур таратаётган чоғ. Наманган кўчалари ҳар кунгидан-да янада жозибалироқ, сокинроқ. Қатнов қисман чеклангани боисиданми, шовқин-сурон ҳам йўқ, тирбандлигу тартибсиз ҳаракатларни кўрмайсиз. Меҳмонхонадан шаҳар марказидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур боғига олиб бораётган ҳайдовчи ҳам серкатнов кўчалардаги тирбандликлардан безган, шекилли, “Қани эди,

йўллар ҳар куни шундай бўлса”, деб мен томонга юзланиб қўяди.

Об-ҳаво қандай келиши — табиатнинг иши. Бу йил апрелнинг ўрталаридан майнинг шу кунигача об-ҳаво ҳудди ёздагидек бўлди. Мутахассисларнинг билдиришича, кейинги етмиш йилда илк бор май ойида қирқ даража иссиқ бўлиши қайд этилибди. Шундай шароитда гуллар экиб гулзорлар қилишнинг, кўчатлар экиб боғлар яратишнинг ўзи бўлади! Аммо Наманганни гулларга буркаб, элу юртимизни, бутун дунё аҳлини лол қолдираётган азиялларнинг машаққатли меҳнатига, шахту шижоатига қойил!

Бобур боғининг Нодирабегим кутубхонаси ёнида эрталабки соат ўнда очиладиган гуллар фестивалига кўллаб давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, хорижий дав-

лат делегациялари, чет эл компаниялари ва инвесторлар, нуфузли меҳмонлар, маданият ва санъат намоёндалари, халқаро ҳамкорлар, сайёҳлар ва маҳаллий меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюришган.

Соат миллари 10:00 ни кўрсатганида фестивал очилишини эълон қилган бошловчининг тантанавор овози янгради. Саҳнада ўнлаб устоз-шогирд доирачиларнинг думбра-думига “Йўл бўлсин-а, йўл бўлсин, босган изларингиз гул бўлсин!” дея бошланадиган қўшиқ уланиб кетди. Ширали ва жарангдор овозлари билан бошловчилар Наманганни гуллар диёри, гулларга кон ошён, Янги Ўзбекистонимизнинг дурдонаси дея мадҳ этишмоқда.

2-6

МАЪНАВИЯТ



БАТАН МАНЗУМАСИ:

МУҚАДДАС БУРЧ ҲИССИ

Назаримда, эсимизни таниган чоғданоқ ҳар биримиз Ватаннинг ҳимоясида эканимизни ҳис қила бошлаймиз. Аслида Яратганнинг хоҳиш-иродаси билан гўдаклигимиздаёқ қалбимизда онага, Ватанга муҳаббат туйғуси пайдо бўлади, мустаҳкамланади. Уни ҳимоя қилиш эса муқаддас бурч эканини тушунашимиз.

Ҳар биримиз ўз оиламиз, туғилиб ўсган қишлоғимиз, шаҳримиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимиз ҳақида гап кетса, эътиборсиз бўлолмаймиз, негаки, киндик қонимиз тўкилган гўша — ота макон, она юртини ардоқлаш ва улуғлаш табиатимизда, бутун онгу шууримизда мужассам. Ватани асраб-авайлаш, севиш, уни ҳимоя қилиш шу азиз макондаги ҳар бир фарзанднинг, жумладан, ижод аҳлининг, журналистларнинг ҳам муқаддас бурчидир.

Тўғри, журналист ҳарбийлар каби қўлига қурол олиб, Ватани қўриқламайди, аскар сингари постда турмас. Аммо ўткир қалами билан юртини ҳимоя қилади. Шу ўринда айтиш мумкин, журналистлар ҳам Ватан ҳимоячиларидир. Дунёда юзага келган нотинчликлар, авж олаётган қарама-қаршиликлар ана шу муқаддас бурчга садоқат масъулиятини ошириш барибаради ҳар биримизни, айниқса, медиа соҳа вакиллари ахборот хуружлари катта таҳдидлардан бирига айланиб бораётган бугунги кунда янада огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди.

Таъкидлаш жоиз, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбарининг ғояси билан мамлакатимизнинг мудоффа қобилиятини янада ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ёшларимизни юксак ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган чуқур мазмунга эга таъсирчан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётгани эътиборга молик.

Кўни кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ғояси билан “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

“Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” деган эзгу ғоя асосида ташкил этилган ушбу кеча дастурида истиқлол йилларида юртимиз тинчлиги ва унинг сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ва жасур ҳарбийларнинг хотирасига бағишланган “Миллат фидойилари” хотира ёдгорлиги ҳамда Иккинчи жаҳон уруши жангҳолирида мардона курашган ҳамда фронт ортида меҳнат қилган ватандошларимизнинг тенгсиз жасоратини мадҳ этувчи “Хотира нури” композицияси барпо этилишининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

3-6

ФАОЛИЯТ

95 ЙИЛДАН БУЁН ПОСТИДА СОДИҚ НАШР

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон қадри, халқ манфаати мужассам. Бундай ислохотлар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам демократик тамойиллар тобора чуқуллашиб, очкилик ва шаффофлик устувор вазифага айланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудоффа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда”.

Айтиш жоизки, “Postda — На посту” газетаси бу масъулиятли вазифани ўзига хос тарзда шараф билан адо этиб келмоқда. Ушбу нашр ташкил этилганига эса 95 йил тўлди.

Ҳа, салкам бир аср! Бу рақамни тилга олишгина осон. Аммо унинг ортида қанчадан-қанча инсонларнинг меҳнати, матонат ва садоқати ётганини тасаввур қилиш жоиз.

“Postda — На посту” газетаси ана шу шонли йўлда, ижод ва изланиш пилла-пояларию юртимиздаги оммавий ахборот воситалари орасида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Ички ишлар вазирлиги наشري сифатида газета ўз аудиториясини тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан

хабардор қилиш билан бирга, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёт ғоялар ва жамиятимиздаги турли иллатларга қарши маърифат майдонида қатъий курашиб келмоқда.

Газета 1930 йил 12 май куни дунё юзини кўрганида бир ойда уч марта, бор-йўғи 150 нусхада босилган эди. Тинимсиз ҳаракат ва самарали меҳнат тўғриси 50-йилларга келиб, газета тиражи 6 минг нусхага етди. 1960 йилдан эътиборан ҳафтасига икки марта, 10 минг нусхада чиқа бошлади. 1965 йил 1 августдан бошлаб эса нашрнинг кенг жамоатчиликка мўлжалланган якшанба сонини чоп этиш йўлга қўйилди.

Утган асрнинг 70-80-йилларида айрим сабабларга қўра чиқиши тўхтаб қол-

ган нашр мустақиллик шарофати ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ташаббуси билан 1991 йилда қайта ташкил этилди. Ўша йилнинг 1 январида “Postda — На посту” газетаси икки тилда, ўзбек ва рус тилларида алоҳида сонлари билан мухлислар қўлига етиб борди.

Подполковник Зокир Атаев бош муҳаррир бўлган газетанинг дастлабки сонларида Файратжон Болтабоев, Эркин Сатторов, Сиддиқўжа Сулаймонов, Раҳмонали Қосимов, Абдумўмин Тилово, Муҳаббат Ибрагимов, Ойгул Мамраимова, Исмоил Мунавваров, Ортиқ Маҳмаюсупов каби муаллифларнинг мақолалари жой олди.

4-6

ҲАЙРАТ



БОҚҚАН БОЙ

Халқимизда “Бой – бойга боқар, сув сойга оқар” деган мақол бор, биласиз. Аммо камбағалга боқадиган бойлар ҳам борлиги ҳайратимизни оширди. “Mikrosoft” компанияси асосчиси, дунёнинг энг бой кишиларидан бири Билл Гейтс бу йил октябрда етмиш ёшга қиради. Унинг бойлиги бир юз беш миллиарддан бир юз олти саккиз миллиардгача баҳоланади.

У яқин ийгирма йил ичида, яъни 2045 йил охиригача бутун бойлигининг 99 фоизини хайрия ишларига сарфлаб, “Gates Foundation” фондини ёпмоқчи. У бундай қарорга келишига XIX аср саноатчиси, америкалик тадбиркор, йирик пўлат ишлаб чиқарувчи Эндрю Карнегининг “Инжил бойликлари” эссесини ўқиши сабаб бўлганини айтади.

Эсседан “бой бўлиб ўлиш шарманда бўлиб ўлишдир”, деган мисраларни ўқигач, бу жумла ҳақида узоқ фикр қилади. “Одамлар “у бой бўлиб ўлди”, дейишмайди. Пул йиғишни бас қилиб, хайрияни кучайтираман, дегарли ҳамма бойликларини камбағалликка, касалликларга ва тенгсизликка қарши курашга сарфлайман”, деган хайрли ишга қарор қилади.

Интернетдаги шу ҳақдаги хабарни ўқиб, қани эди, бизнинг ўзбекистонлик бойлардан ҳам Билл Гейтс каби саховатли ишларга бор давлатини сарфлайдиган бойлар чиқса, дея яхши ният қилдим.

Ғиёсиддин АСРАНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факультети талабаси.

МУТОЛАА

НАИМ КАРИМОВНИНГ ХАЗИНАСИ



Бу олим билан кўп кўришганман. Игна билан қудуқ қазиган, ўқувчини ўйлантирадиган, баъзан кайфиятни тушириб юборадиган, мураккаб тақдирга эга қатагон қурбонлар ҳақидаги мақолаларини ўқиганман. Минбарга чиққанида, уни тушунадиганлар даврасида сокин, майин овозда сўз бошлаганларида, турган-битгани илм бўлган, одамларни адабиёт оламига олиб кириб қўядиган мазмунли маърузаларини эшитганман. Алам қиладигани, бирор марта турмуш ташвишларини бир четга қўйиб, “келинг, домлажон”, деб дилдан суҳбатлашмаганман.

Ахир эфир, диктофон деганлари орқали бемалол олимнинг олтиндан қиммат бебаҳо сўзларини ёзиб олиш имконияти айрим журналистлардан кўра менда кўпроқ эканлиги маъмул эди. Лекин ана шу ҳақиқатни ўзим билмаганман. Аникроги, бефарқлик қилганман. Бугун тортинқоқлим панд берганлигини ҳам тан олмай иложим йўқ.

Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, яқинда Наим домла деган бу улуг аллома билан суҳбатлашдим. Шу ерда ўқувчилар ҳайрон бўлиши мумкин, “Ахир, Наим ака бу фойиш дунёни тарқатганига анча вақт бўлди-ку”, дейишлари турган гап. Ҳа, шундай. Устозни

Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

Домла билан суҳбатлашганимга изоҳ шуки, шу янги 2025 йилни кутиб олиш баҳонасида, яъни байрам кунларидан унумли фойдаланиб, Наим Каримовнинг “Танланган асарлар”и билан танишдим. Шу пайтгача шундай китобни ўқимаи юганимга кўп афсус чекдим. Ана шу кунлари домла билан мириқиб суҳбатлашдим, улуг олимнинг гапларини бўлмаи жим тингладим. Мутулаа завқидан баҳраманд бўлиб, бир неча кун аллома билан гурунг қилдим. Ўзимча баҳslashмоқчи ҳам бўлдим.

3-6

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГУЛЛАР ДИЁРИ

Наманганда очилган 64-халқаро гуллар байрамидан репортаж



1-6

Ушбу фестивалга Озарбайжон, Беларусь, Болгария, Хитой, Миср Араб Республикаси, Франция, Венгрия, Ҳиндистон, Эрон, Йордания, Қозғистон, Саудия Арабистони, Қирғизистон, Қувайт, Малайзия, Мўғулистон, Покистон, Қатар, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Словакия, Германия, Тожикистон, Туркия, АҚШ, Чехия Республикаси ва албатта Ўзбекистон вакиллари ўзларининг давлат байроқларини баланд кўтариб, миллий либосларда, мусика садолари остида кириб келишди. Ҳа, бугун фестивал байрамлар, гулу гулзорлар ярашадиган, тинч ва фаровон Янги Ўзбекистонимизнинг гўзал ва мафтункор Намангани заминда дунё байроқлари хилпирамоқда.

Табрик сўзи учун Наманган вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шавкат Абдураззоқов тақлиф этилди. Ҳоким "Гуллар диёри Наманганга хуш келибсиз!", дея барча иштирокчиларни табриклиди. У мазкур фестивал Президентимиз ташаббуси билан 2018 йилдан бошлаб халқаро мақомга эга бўлганлигини таъкидлади.

"Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, бу байрам наманганликлар ҳаётига сингиб, яхши анъанага айланиб қолгани бежиз эмас. Нега деганда, гулу райҳонни, гўзаллиқни яхши кўрадиган ва шу ободликни ўз қўли билан яратадиган одамларнинг қалби ҳам гўзал бўлади", — деди Ш.Абдураззоқов ўз сўзида. Гўзаллик яратётган Наманган халқига бўлган юксак ишонч,

эътироф ва оқилона таъриф айтилганда, иштирокчиларнинг гулдурас қарсақлари янгради.

"Ўзбекистон – 2030" стратегиясида экология масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили" деб эълон қилинган 2025 йилда ўтказилаётган 64-халқаро гуллар фестивали ушбу гоя ва мақсадларга ҳамоҳанглиги билан муҳим аҳамиятга эга. Қаранг, ўтган йили фестивал доирасида вилоят марказида 45 миллион туп гул кўчати ўтказилган экан. Бу йил эса 100 миллион туп гул экилган. Мингга яқин гул композициялари шахарни муволафасиз гуллар гареясига айлантирди. Фестивалда беш минг нафардан ортиқ гулчи, ҳу-

нарманд ва тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Шубҳасиз, "Эко-гуллар", "Ландшафт дизайни", "Ёш гулчилар" каби янги йўналишлар кенг жамоатчилик эътиборини тортади.

Наманган халқаро аэропорти олди-дан старт олган фестивалнинг гуллар билан безатилган анъанавий автомобиллар парадини томоша қилиш учун ўн минглаб одамлар йўл бўйларига чиқшди. Уч ой аввал вилоятда илк маротаба ташкил этилган "Халқаро авто-туннинг" фестивали ғолиблари ва иштирокчилари ҳам ушбу автомобиллар парадига қатнашаётди. Бу йилги фестивал доирасида бир юз эллиқдан ортиқ халқаро, республика ва маҳаллий миқёсдаги форумлар, маданий-маърифий, оммавий спорт ва бошқа турдаги тадбирлар ўтказилди. Меҳмонлар Заҳриддин Мухаммад Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда "Афсоналар водийси" тематик паркида яратилган бетакорр ва мафтункор гул композицияларидан завқ олишлари мумкин. "Янги Ўзбекистон" боғининг 60 гектар майдонида ҳам гуллар билан безатилган композициялар қизиқиш уйғотиши табиий.

Қирқ кун давом этадиган фестивал кунлари Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг очик осмон остидаги концерт дастури, "Наманган 2-халқаро хунармандчилик кўргазмалари, Жаҳон эстрада юлдузлари иштирокида концерт томошаси, халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этилади.

Наманган вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқовнинг таъкидлашича, фестивалнинг вилоят иқтисодиётидаги салмоғи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунки ушбу фестивал аҳоли

даромадларини ошириш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришда ҳам ҳисса қўшмоқда. Ўтган йилги гуллар фестивалида савдо ва хизматлар айланмаси 4 триллион 600 миллиардга тенг бўлса, бу йил бу кўрсаткични 8 триллионга етказиш мақсад қилинган. Кўриниб турибдики, бу халқаро тадбир даромад келтириш, иш ўрни ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам янги ёндашувдир.

Президентимизнинг "Яқин қўшни — қадрли қўшни" тамойилига асосланган очиклик сиёсати натижасида қўшни давлатлар билан алоқалар янги босқичга кўтарилмоқда. Ўтган йили сентябрь ойида қайта очилган "Учқўрғон-Кенгсой" чегара пости орқали кунига минглаб хориқлик сайёҳлар Наманганга келишмоқда. Жорий йилда фестивалга 750 минг хориқий, 5 миллионга яқин маҳаллий сайёҳлар ташрифи кутилмоқда. Бир йилдаёқ кўрсаткичларнинг икки бараварга ортиши фестивал мавқеининг йил сайин кенг қўлоч ёйишидан далолатдир.

Осмонга тинчлик рамзи бўлган ка-батарлар учирлиди. "Янги Ўзбекистон — менинг Ўзбекистоним!", "Қаддинг баланд тоғ бўлсин, Юртбошимиз соғ бўлсин!" мисралари билан айтилади-ган қўшиқлар янгради. Қирғиз оғла-римиз "Дўмбирасиз сен қайда, дўмбирасиз мен қайда" дея қуйламоқда. Хитойча қўшиқ янраганида маҳобатли мониторингда ўрмонли тоғлар оралаб қурилган Буюк Хитой девори намойиш этилди. Тожиқ қўшиқлар қуйлаганида эса бетакорр табиат қўйнидаги тоғлар ёқалаб шарқираб оқаётган сойларни кўриб дил яйрайди. Қозғимнинг дўлдўл отли пахлавон чавандозлари кўлидаги бургутлар қанотларини ёзиб кўкка парвоз қилишга ошиқётган манзараларни кўриб озуланасан. Руснинг чечушқалари янраганида беихтиёр рақсга тушгинг келаваради. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова "Қиши дили нозиклиги шунчами, гул дегани очилмаган гунчами?" дея хонши қилганида хориқлик меҳмонлар ҳам уйига тушиб кетишди.

Атроф шодлик ва қувончларга тўлган. Зарҳал ҳарфлар билан фестивал номи ёзилган маҳобатли ҳаво шарни осмонларга учиб кетаман дейди, Наманган гуллари чиройини самоларга олиб чиқаман дейди. Ҳа, бу гуллари кўрганлар бор, кўрмаганлар бор...

Беихтиёр наманганлик шoir дўсти-мизнинг мисраси ёгда тушди: "Наманган, мен учун барҳаёт гулсан!"

Дилмурод ҚИРГИЗБОВ,
"Hurriyat" мухбири.



ЭЛГА МАНФААТЛИ,
ДУНЁГА ДОВРУҚЛИ

Айни кунларда Наманганда гуллардан гилам тўшалди. Бу турфа хил, ранг-баранг гуллар гўзалликка ошурта, нафосат шайдоларини Наманганга чорламоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан вилоятда ўтказилиб келинаётган гуллар байрамига 2018 йилдан халқаро гуллар фестивали мақоми берилиб, тобора нуфузи ортиб бормоқда. Чунончи, бундан 2 йил аввалги тантаналарда мамлакатимиздан 4,2 миллион нафар, 52 та чет мамлакатдан 154 мингдан ортиқ сайёҳлар қатнашган бўлса, бу йил халқаро сайилгоҳга айланган гуллар шаҳрига 5 миллион маҳаллий ва 750 минг хориқий сайёҳлар ташрифи кутилмоқда.

25 майдан 29 июнгача ўтказилаётган 64-халқаро гуллар фестивалига халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари, дипломатик корпус, қўшни республикалар ҳудуд раҳбарларининг ташрифлари нафақат байрам нуфузини, балки қўли қадоқ, меҳнатқаш, хунарманду тадбиркор Наманган аҳлининг доврўғини дунёга танитмоқда.

— Ўзим билан юзлаб европалик сайёҳларни олиб келяпман, — деди Наманганнинг Германиядаги туризм элчиси, "Nima" агентлиги раҳбари Дая Алтунтепе хоним. — Наманганга келиб, нафосат ва гўзаллик байрами-дан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман. Гуллар диёри Европа учун янги локация. 2026 йилда Берлин кўргаз-масида фестивалнинг алоҳида экспозициясини ташкил этамиз.

Тараддуд жараёнида қарий 17 гектар майдонни эгаллаган Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида янгидан 10 миллиард сўмлик сўғориш тизими ишга туширилди. Шаҳар бўйлаб, хиёбону боғларда, йўл ёқаларига кишига ўзгача завқ берадиган салкам 80 турдаги 100 миллион туп гуллар турли кўринишда, турфа хил композицияларда экилди. Эътиборлиси, ҳар бир композицияда райҳон гуллари уйғунлиги ўзгача иффор таратмоқда.

Бугунга кунга келиб Голландия дунёда гулчиликда биринчи ўринга даъвогарлик қилаётган бўлса, наманган-

лик нафосат шайдолари жаҳонда иккинчи ўринда эътироф этилмоқда.

Албатта, ушбу эътирофга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Вилоятда 12 гектарлик гулчилик маркази ташкил этилиб, 45 та маҳалла гулчиликка ихтисослаштирилди. Бу билан салкам 21 минг нафар аҳоли вакилининг доимий бандлиги таъминланди.

Ҳар йилги анъанага кўра, тантанали очилиш маросимида 200 дан зиёд ҳар хил русумли автомашиналар карвони Наманган халқаро аэропортидан марказий кўчалар бўйлаб 10 километрдан ортиқ масофани босиб ўтди. Одатда, авваллари фестивал фақат марказий боғда ўтказилган бўлса, эндиликда "Афсоналар водийси" тематик парки, 65 гектарлик "Янги Ўзбекистон" боғи ҳамда Ахсикент тарихий мажмуаси меҳмонлар билан гавжум. Қолаверса, гастрономик туризм йўналишида минг нафардан ортиқ ходим хизмат қилаётган Чуст боғида "Чуст оши" тайёрланади. Учқўрғонда эса диаметри 30 метр бўлган ҳаво шарида сайр қилиш имконияти яратилган.

Фестивал доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, халқаро илмий-амалий конференциялар, спорт мусобақалари, кўнгилчор шоу-лар, театр ва цирк томошалари, гаала концертлар, модалар ҳафталиги, саноат ярмаркаси ва бошқа кўнгилчор тадбирлар ўтказилди.

Шу кунларда вилоят марказида 125 та замонавий автобуснинг 15 километргача бўлган масофага 3 минг сўмдан қатнови йўлга қўйилди. 36 та меҳмонхона, хостель ва уй меҳмонхоналар сайёҳлар ихтиёрида.

Албатта, шунча уринишлар, интилишлар натижа бериши тайин. Ўтган йили 4 триллион 600 миллиард сўмлик хизмат кўрсатиш ва сервисдан даромад қўрилган бўлса, бу йил дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу кўрсаткич 8 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳа, дарвоқе, агар турфа хил гуллар хусн-тароватидан, ифоридадан завқ олмоқчи бўлсангиз, марҳамат!

Албатта, Наманганга, 64-халқаро гуллар фестивалига келинг!

Ҳасанбой ХОҶАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси
Наманган вилояти кенгаши раиси.

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА



ДАРАХТНИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР!

ёхуд мўъжазгина боғимизни кўрганмисиз?

Тошкент шаҳрининг XX аср 90-йилларидаги қиёфаси акс этган видеоларга ижтимоий тармоқларда кўзим тушди. Тошкент яшилликка бурканган. Қатор-қатор дарахтлар шаҳар ҳуснига кўрк бағишлаб турганидан ҳайратландим.

Бугунги кунга келиб, шаҳарнинг айрим кўчаларида нафақат кўчатлар экиш, балки уларни кўкартириш ҳам амримаҳол бўлиб қолган. Ариқларда сув оқмайди. Чунки сув оқадиган ариқларнинг қўли кўмилиб кетган. Ўрнига кўп қаватли уйлар қурилган.

Журналист кадрларни етиштириб чиқаришга ихтисослашган олий таълим ўчоғида таҳсил олам. Университетимиз дов-дарахтлари, соя-салқин жойлари кўплиги билан ажралиб туради. Ёшлар очилиб турган гуллар, соя бераётган манзарали дарахтлар ёнида суратга тушишга ошиқшади. Ўрик, олма ҳам бор. Университет боғида ноёб дарахтларни кўриб, кўзимиз қувонади.

Дорилфунунимиз ҳудудига уч томондан кирса бўлади. Ўнг тарафда жойлашган биринчи эшиқдан қадам қўйсангиз, таниқли олим Омонулла МАДАЕВ номи билан аталган боғ. Чап тарафидан кўчга қийғос очилган атиргулларга нигоҳингиз тушади. Боғда ўриқлар пийшай деб қолган.

Сал нарироқда тикка ўсувчи, эҳромсимон шаклга эга "Magnolia grandiflora" дарахтига қўзингиз тушади. Уни "абадий яшил магнолия" деб ҳам аташади. Йирик, силлиқ ва ялтироқ барглари билан кўзни қамаштиради. Японининг юқори қисми тўқ яшил, пастки қисми эса кўнгир тусда бўлади. Узунлиги 12–25 сантиметргача етади. Асосан, ёз ойларида гуллади. Қуёшни севади, лекин ярим сояли жойларда ҳам ҳаёт кечириши мумкин. Мева тугишга қарамасдан, кўпчилик манзарали дарахт деб билади.

Диққатингизни "floribunda" туркумига кирувчи "iceberg" (оқ), "julia child" (сарик), "hot cocoa" (тўқ қизил) сингари атиргуллар торттиш шубҳасиз. Кўп гул очади, лекин майда кўринишга эга бўлади. Ҳовлига зёб бериб турибди. Ким ўтса ҳам, ҳидидан сармаст бўлади.

Игна баргли ўсимликлардан арчанинг "жуниперус" номли тури учрайди. Арчалар, одатда, тик ҳолда ўсарди. Аммо, "juniperus" ёйилиб ўсади, ер бағрини маҳкам тутиб олган. Шу боисдан ҳам уни бутасимон игна баргли ўсимлик сифатида таърифлашади. Ёзин-қишин бир хил кийимда. Яшил тўнани енгиси келмайди.

Бўйи ҳам ниҳоятда паст бўлади. Игналари, шохлари, баъзан думалоқ шаклдаги меваларидан хушбўй, яллиғлианининг олдини олади-ган, ҳужайралар фаолиятини рағбатлантирадиган эфир мойи чиқади.

Ҳавони тозаловчи хусусиятга эга бўлган "Picea pungens", яъни "қўқимтир арча" университет ҳудудидидаги боғнинг ичкарикор қисмида жойлашган. Совуққа чидамли, қўл билан ушласангиз, игналари тиладиган даражада ўткирлиги билан ажралиб туради. Барглари мум қатлами таъсирида пайдо бўладиган кумушсимон рангда. Касаллик ва зараркунандалар "қўқимтир арча"нинг йўлига ров бўлолмайди. Унда "ҳимоя иммунитет"и шаклланган.

Хориждан келтирилган, иқлимимизга мослаштирилган дарахт ва ўсимликлар қаторига 150 йилгача умр кўрадиган, талабалар ётоқхонаси яқинига экилган "Каталпа" дарахти ҳам қўшилди. Соябоп бу дарахт асаларилар учун нектар манбаи ҳисобланади.

Мўъжаз боғда ўсиб-унаётган ҳар бир гиёҳ, ўсимлик, дарахт об-ҳавони тозалайди, яшиллик беради. Шаҳар кўчаларида қуриб бораётган кўчатларни кўриб, хафа бўлиб кетасан, киши. Ҳамма гап парваришда, вақтида ишлов беришда бўлса керак.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетидидаги жами дов-дарахтлар, гуллар ректоримиз, профессор Шерзодхон Қудратхужанин нazorати остида парваришланмоқда.

Яқинда икки туп гуҷум кўчати ниҳоли экилди.

Дарахтлар — инсонлар дўсти. Чанг ютиб, тоза ҳаво — кислородни биз томон тортдиқ эъти. Биз эса бу дўстларимизни асраб-авайлай олаётимизми?

Ўлутбек ШАРОБИДДИНОВ,
ЎЗЖОКУ талабаси.

БАТАН МАНЗУМАСИ:

МУҚАДДАС БУРЧ ҲИССИ

1-6. Мухташам “Туркистон” саройи фойесида ташкил этилган ҳарбий қурол-яроғлар макетлари, бадийи адабиётлар кўргазмаси тадбир иштирокчилари учун мавзунинг ўзига хос муқаддимаси вази-фасини ўтади. Таъкидлаш лозимки, ушбу маърифий дастур анъи гоя ва сюжет ҳамда театр-лаштирилган бадий композициялар асосида тайёрлангани билан кўпчиликда қизиқиш уй-ғотмоқда.

Адабий-маърифий кечага мамлакатимиз пойтахти, шунингдек, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналлари ҳам тақлиф этилди.

Ушбу дастур ўтган йиллари бўлиб ўтган тадбирларга монанд тарзда ташкиллаштирилган бўлса-да, бу йилги чиқишлар, намойишлар аввалги йилларга ўхшамаган ўзига хос жиҳат-лари билан алоҳида ажралиб турди. Уни томоша қилган одам тинчлик энг бебаҳо неъмат экани, у ўз-ўзидан таъминланмаслигини, осойишталикини сақлаш учун шу юртининг ҳар бир фарзанди бирлашиши, аҳил-иноқ, Ватанга садоқатли бўлиши, Ватанини онани севгандек севиши, ўз онасини ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиши лозим ва шартлигини яна бир бор теран англаши шубҳасиз. Қолаверса, юртимиз тинч-лигини сақлаш нафақат ҳарбийларимиз, балки ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи экани, агар барчамиз бир тану бир жон бўлсак, осойишталигимизга ҳеч ким рахна соломас-лигини ҳис қилади.

...Давлатимиз мадҳияси янгради. Саҳнага ҳарбий хизматда қаҳирлган ёш аскарлар ўз сардорлари бошчилигида чиқиб келди. “Ватан ман-

зумаси” дастуридан ўрин олган куй ва қўшиқлар, саҳна кўринишлари ҳарбий хизматчиларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топиб, мард ва профессионал аскарларга — чинакам Ватан ҳимоячиларига айланишига хизмат қилиши қувончли, фахрлидир.

Кечада Ўзбекистон Қуролли Кучларидаги замонавий ўзгаришлар, “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган азгу гоя, кўп миллатли халқимизга хос ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳат-лик туйғулариининг миллий армиямиз ҳаётида ёрқин намоён бўлаётгани чуқур мазмун билан очиб берилган.

Аскарларнинг ҳаяжонли ва масъулиятли ҳарбий фаолияти, дунё ҳамжамиятидан муно-сиб ўрин топиб бораётган жонажон Ўзбекисто-нимиз мустақиллигини, чегараларимиз дахл-сизлигини муносиб ҳимоя қилиш учун зарур ҳарбий билим ва кўникмаларни, хусусан, замо-навий ахборот технологиялари, сунъий интел-лект асосларини ўрганиши, замонавий қурол-аслаҳаларни бошқариши, хорижий тилларни эгаллаши таъсирчан лавҳаларда намоён бўлди.

Дастур давомида таниқли бахшилар томо-нидан ижро этилган ана Ватанини улуғловчи термалар, буюқ аждодларимиз — мард ва жа-сур саркарда Жалолоддин Манғуберди ҳамда Соҳибқирон Амир Темури монолоғлари, ўзе-бона орият ва гурури таранум этилган, жадид маърифатпарварларининг юрт тараққиётига эришиш йўлидаги интилишлари акс эттирил-ган саҳна кўринишлари, таниқли ижодкорлар ва истеъдодли ёш шоирларнинг шеър ва қў-шиқлари, ҳарбий жамоаларнинг чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади.

Айниқса, мудофаа вазирилик ҳарбий хиз-

матчилари томонидан ижро этилган жанговар қаҳриқ, “Янги Ўзбекистон армияси”, “Мен пос-бонман”, “Армия ва тарбия” сингари қўшиқлар ва бошқа бир қатор қизиқарли мусиқий-хореог-рафик чиқишлар томошабинлар томонидан олқишлар билан қарши олинди. Шунингдек, “Ниҳол” мукофоти совриндори Саидносир Йи-гиталиев, истеъдодли хонандалар Шўхрат Дарё, Ғайбулла Турсунов, Мадина Файзул-лаева, Ўтемиш Жуманиязовлар ижро этган қў-шиқлар даврага файз киритди.

Янги тарихимиз саҳифаларида ҳаммамиз доим ҳурмат ва миннатдорлик билан эслай-диган шундай инсонлар борки, улар муста-қиллигимиз ҳимояси йўлида, шарафли хиз-мат бурчини ўташ чоғида жон фидо этган чина-кам қаҳрамонлардир. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййиднинг ана шундай мард ва фидойи юртдошларимиз хотирасига ба-ғишланган “Барҳаёт ўғлонлар” деб номланган шеъри қалбларни ларзага солди.

Шунингдек, дастур давомида тегишли ва-зирлик ва идоралар ҳамда Ёзувчилар уюш-маси томонидан “Мард аскарга совға” турку-мида нашр этилган янги китобларнинг тақди-моти ҳам ўтказилди.

Қарийб бир ярим соат давом этган тад-бир дастуридан ўрин олган ранг-баранг чи-қишлар — эл суйган санъаткорларнинг Ва-танни, онани, аёлни, дўстликини, табиати мадҳ этувчи қуй-қўшиқлар, устоз ҳамда навқирон шоир ва шоираларнинг оила, элу юрт, тинчлик, севиғи-муҳаббатга оид одамини ўйга толдиради-ган чуқур маъноли, қалбларни жунбишга кел-тирадиган шеърлари, ҳарбийларимиз фаоли-ята доир мазмунли, кўтаринқилик, фаҳр-иф-тиҳор бахш этувчи лавҳалар — барча-барчаси



томошабинга завқ-шавқ бериш баробарида чу-қур ўйга толдиради, фикрлашга, мушоҳада қи-лишга ундайди.

— Бундай маърифий кечалар кўпроқ ўтқа-зилиши керак, деб ўйлайман. “Ватан манзу-маси” дастури менга мамлакатимиз аҳлининг кучли инсоний туйғулари намойишидек таас-сурот уйғотди, — деди “Жамият” газетаси бош муҳаррири Мақсуд Жонионов. — Шунинг-назарда тутганда, маърифий уйғонишлар юз бе-раётгандек. Бу ерга зиёлилар, хусусан, медиа соҳа вакилларининг тақлиф этилгани, шунинг-дек, залда ўғил-қизларимизни, Ватан ҳимоя-сида бўлган ҳарбий либосли йигитларимизни кўриб, тадбирнинг аҳамияти катта эканини чу-қурроқ ҳис қиласиз. Зотан, бундай маърифий дастурлар иштирокчиларни Ватан муқаддас-лигини теранроқ англашга ундайди, ҳар бир инсонда Ватанга садоқат туйғулариини янада мустаҳкамлайди.

Юртга садоқат ҳақида гап кетганда, бир маъ-лумот ёдга тушади. Тарихдан маълумки, Буюк Хитой девори қурилганидан кейин ҳам Чин юр-тига таъқи душман томонидан кўп бора юриш-лар қилинган. Уларнинг ҳеч бири Буюк девор (баландлиги 6-10, кенлиги, 5,5-6,5 метр) усти-дан ўтиб мамлакатга бостириб қирмаган, эҳти-момли, бунинг уddасидан чиқа олмаган. Аммо ҳар бир неча юз метр оралиғидаги Хитой де-вори дарвозаларида турувчи соқчиларнинг сотқинлиги туфайли ёв чегарадан ўтишга му-

ваффақ бўлган. Нера бундай бўлганлигини ўр-ганиш жараёнида масъуллардан бири жавоб берган экан: “Биз Буюк Хитой деворини ҳар жиҳатдан бақувват қилишга жудда катта кучи-мизни сафарбар этйбмиз, аскарларимизнинг маънавиятини, ватанпарварлигини юксалти-риш, уларда юртга садоқат туйғусини шакл-лантиришга етарлича эътибор қаратмаган эканмиз”.

Ҳа, ҳарбийларда, ҳар бир ватандошимизда Ватанга садоқат туйғуси юқори бўлиши — жуда муҳим, керак бўлса барчасиданга муҳимроқ! Шу боис, ҳозирги кунда нафақат юрт посбон-ларида, балки барча соҳа вакилларида, аҳо-лида бу туйғуни мастаҳкамлаш долзарб аҳа-мият касб этмоқда. Шундан келиб чиқилса, “Ватан манзумаси” каби адабий-маърифий ке-чаларнинг ўрни жуда баланд.

Таъкидлаш жоизки, ушбу адабий-маърифий тадбир намойиши пойтахтимизда муваффа-қият билан давом этмоқда. Яқин кунларда “Ва-тан манзумаси” дастурлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, шаҳар-ту-манларда, таълим муассасалари ва маҳалла-ларда ҳам намойиш этиш режалаштирилган.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси раиси в.б.,
Мудофаа вазирилик ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши аъзоси.

1-6. Шунчалар катта олим билан ҳам баҳслашиб бу-лармикан, дейишимиз ҳам мумкин. Яширмайман, ўзимча миллат буюклари ҳаёти ҳақида ёзганда айрим жиҳатларни четлаб ўтса бўлмасмикан, деган гапларни айтишга оғиз очганимда, Наим домла, “йўқ” деб туриб олгандай бўлди ва бу баҳс охирида қисқасига: “Ахир беайиб парвар-дигор” дейдилар, деган гаплари билан кўн-лимга келган ожиз эътирозларимга жавоб бе-риб қўйгандек бўлди.

Ҳақиқий олим учун ҳақиқат устун туришини исботлаб қўйди бу гаплари билан!

Хуллас, яхши китоб яхши суҳбатдош экан-лигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим ва бир ўқувчи сифатида ушбу китобдан олган таас-суротларимни, мулоҳазаларимни сиз аъизлар билан ўртоқлашмоқ, баҳам кўрмоқни ният қил-дим.

Маврида келганда, аввало, бир сўзни айт-моғим шарт. Академик Наим Каримовнинг му-бороқ таваллуд санаси муносабати билан чоп этилган китоб лойиҳаси раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Сирожиiddин Саййид, китобни нашрга тайёрловчилар Шўхрат Ризаев ва Жаббор Эшонқулларга ҳар бир ўқирман мин-натдорлик билдираса арзийди.

Энди “ТАНЛАНГАН АСАРЛАР”ни варақла-сак. Китобнинг дастлабки саҳифаларидаёқ домла ўқувчини буюқ адиб Абдулла Қодирий сабаб ўша давр Тошкент адабий муҳити сари етказайди. XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкентда адабий-маданий ҳаёт, асосан, мад-расаларда, хужраларда, ҳатто чойхоналарда бўлганлигини тасвирлайди. Бугун Қўқалдош мадрасаси олpidдан ўтадиган ўқувчи шу мас-канда Қўқондан келиб Фуқрат, Муқимийлар бошлана топангани, ўша улуғлар суҳбатига кўп-лар шерик бўлганлигини билиб олишди. Ана бу ердаги хужраларда Шайх Саъдийнинг “Гу-листон” асарини ўзбекчага ўғирган Муродхўжа домла номларига дуч келамиз. Наим домла-нинг китобини ўқиганидан сўнг, авваллари Қў-қалдош мадрасаси олpidдан бепарво ўтиб ке-тадиган ўқувчи мавлоно Муқимий, Фуқрат, Хис-лат, Камий домлалар қадами етган, шеърят, адабиёт ҳақида эрта тонггача ўтган гўзал ке-чалар, кунларини қисқа давр бўлса-да ўтказган тарихдан сўзловчи бинога бошқача қарашлари турган гап. Улуғларнинг излари қолган бу муа-зам мадрасалар тарихимизнинг, маънавият бешикларининг бир устун бўлганлигини уну-тишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Буни бугун ҳам миллат фарзандлари билишлари шарт.

“Танланган асарлар”да Наим домланинг Аб-дулла Қодирий, Чўлпон ва Ойбек ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган “Уч бўлак сиймо” китоби, Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи маърифий-био-график романи киритилган.

Академик Наим Каримов Қодирий яшаган давр ҳақида ёзиб: “Шу даврда Ўрта Осиёда халқ ва мамлакатимиз мушкул аҳволини ўз-гартира оладиган бирор куч йўқ эди. Аммо кўп ўтмай, бундай куннинг борлиги маълум бўлди. Бу халқни гафлатдан, мудроқ ҳолатдан уйғота олувчи СУЗ эди. Бу халқнинг юрагига етиб бо-рувчи СУЗ, унинг янчалик ҳаётини кўзгу бўлиб кўрсата олувчи СУЗ, уни уйғота олувчи СУЗ, уни аш ва ҳуррият йўлида бирлаштира олувчи СУЗ эди. Ана шу СУЗ миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари учун қудратли қурол бўлди”, — деган ҳаққоний хулосага ке-лади.

Олимнинг бу фикрлари нақадар ҳақ экан-лигини исботлашнинг ҳоҷати йўқ. Бу қараш-нинг долзарблиги шундаки, бугун миллий ўз-ликини таниш, “Мен кимман?”, “Биз киммиз?” деган саволлар ҳар қадамда пайдо бўляпти. “Сўздай қудратли қуролдан ким қандай фой-даланяпти?” — деган саволлар бор. Олим сўз қудратидан Қодирий қандай фойдаланганли-гига жавобни унинг ўлмас асарларидан то-

НАИМ КАРИМОВНИНГ ҲАЗИНАСИ

пади. Мисол учун, барчага таниш: “Юсуфбек ҳожининг: “Биз шу ҳолда кетадурган, бир-бири-мизнинг тегимизга сув қуядурган бўлсак, яқин-дирки, ўрис истебоди ўзининг ифлос оёғи бил-лан Туркистонимизни бўлғатар...”, деган сўз-ларни ўқиб, буюқ адибнинг сўз қудратидан қай даражада фойдаланганлигини яна бир қарра ҳис қилишимиз мумкин.

Наим ака шу пайтгача кўпчилик эшитган Аб-дулла Қодирий сабаб айтиладиган “Ўзбек ро-манчилиги мактаби” деган тушунчага ҳам ўз муносабатини билдиради. У “Биз Қодирийни ўзбек адабиётда романчилиги мактабига асос солган адиб сифатида эъзозлашимиз мумкин”, деган хулосага келади. Бу ҳам ўз айтар сўзига эга олимнинг асосли фикрларидан бири. Ака-демик, улуғ адабиётшунос Наим Каримов буюқ адиб Абдулла Қодирийнинг асарларига баҳо беришда ўзига хос ёндашади. Саволлар қўяди. Бунинг исботи сифатида “Абдулла Қодирий Умархоннинг қаниси ҳақида қандай маълумот-ларга эга бўлган?”, “Мадалихон ўғай онасига уйланганими?”, “Ҳаё ким бўлган?”, “Қодирий қачон туғилган?”, “Ҳолид Саид ким бўлган?”, “Жулқунбой тахаллуси қандай пайдо бўлган?” номли мақолаларни келтириш мумкин. Савол-лар ва саволлар... Ҳақиқий олимнинг жавоб-лари осонликча пайдо бўлмаганлигини ҳис эт-моқ учун, албатта, асарни ўқимоқ керак.

Наим ака тилга олган уч буюқ сиймолар-нинг икки буюғи — Чўлпон ва Ойбек ҳақидаги асарларни ўқиган китобхон жуда кўп нарсани олиши мумкин.

Биринчидан, ўқувчининг бу йирик адиблар ҳақидаги билими бойибгина қолмасдан, ав-валги қарашлари ҳам ўзгариши турган гап. Чўлпон ижоди билан бирга бу машҳур шоир шахси билан таништирилади. “Чўлпон ким эди?” — деган саволга жавоб берилади. Ой-бек ҳақида ёзган асарининг бир бобига “Улуғ шоир, адиб ва олийжаноб инсон” деб сарлавҳа қўйилган. Иккинчидан, тўлпамда ана шу уч жи-ҳат ярқ этиб кўринади. Бундай ёзиш учун олим адиб ижодининг чуқур билимдонии бўлиш билан бирга Ойбекнинг шахсини ҳам яқиндан ўр-ганган бўлиши лозим эди. Наим Каримов ака-демик Ойбекнинг ижодий жасоратини ҳам кўз-дан қочирмайди.

Бундан ташқари, мазкур китобда “Мирте-мир” деб номланган маърифий-биографик ро-ман асосий ўринни эгаллаган. Бу роман ҳақида сўзни бошлаш аввалида ўзимнинг шахсий қар-ашим бўлса-да, бир нарсани таъкидламоқ-чиман: адабиётга қизиқиши бор китобхон бу асарни ўқиб бўлса, уни тугатмагунча кўпдан қўймайди, қанчалар ширин бўлмасин, уйқуси-дан воз кечадми. Негаки, асар фақат Миртемир домла ҳақида эмас, балки ана шу шоир яша-ган давр, жафокаш Туркистон тарихи, одам-лар тақдирини, разилликлар, яхшилик ва ёмон-лик ўртасидаги қурашлар дунёсига қирилади. Ўқувчи шоир билан бирга юради. Унинг қувон-чидан шодланади, кўпроқ дарди, азобларига шерик бўлади. Йўқон манзаралари ва бошқа воқеалар тилга олинганда, катта олим Наим Каримов катта ва маҳоратли ёзувчига айла-нади, ўзини қийнаган, уйлантирган ташвишлар-ини ҳам қорозга туширади. Асарни ўқий бош-лаймиз:

“Ўзбек халқи мустақилликка эришганидан сўнг кадрлар тайёрлаш, айниқса, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига мамлакатим-изда алоҳида эътибор берилиа бошланди. Агар халқимизнинг олис ва яқин тарихига на-зар ташласак, бу масаланинг кун тартибига бир неча бор қўйилгани маълум бўлади. Ху-сусан, ўтган срсининг 20-30-йилларида шу бо-рада озмунча ишлар қилинмади! Лекин ўша даврдаги ёшлар билан ҳозирги ёшларни ўзаро

қиёспасак, илм-фан асослари билан бирга турли касб-ҳунарларни эгаллаш улар учун ҳаётий зарурат бўлгани маълум. Шунинг учун улар маълум маънода баркамол авлод ва-киллари бўлиб етишган. Ҳозирги авлод учун юқори малакали мутахассис, кенг билимли ва маданиятлы инсон бўлиш эмас, балки моддий фаровонликка эришиш масаласи муҳим ва бирламчидир. Шунинг учун ҳозирги авлодни қоралаш ножоиз. Зеро, ҳозирги илмий-техник ва маданий тараққиёт даврида уларнинг Па-вел Корчагин бўлиб яшашлари кулгили. Шунга қарамай, 20-30-йилларнинг оғир иқтисодий ва мафқуравий шароитида яшаб, фидойи, олий-жаноб, камтар, ҳалол, ватанпарвар ва олий тоифали мутахассис бўлиб улғайган авлодни кўпроқ ҳурмат қилгинг, уларга ўхшаган фар-зандларни ўстиргинг келади, киши.

Бу лирик кечкиниши навбатдаги масаланиг дебочаси сифатида қабул қилишингизни сў-райман, ҳурматли китобхон”, деб ёзади Наим Каримов.

Юқоридagi сўзлар ортида катта олимнинг дардлари турганлигини тасаввур қилиш қий-ин эмас. Жамиятининг бугуни ва эртаси ҳақи-даги ўй-ташвишлар борлиги ҳам маълум. Ху-лоса зўр. Ҳақиқий аллома хулосаси. Қимлар-дир бу домланинг шахсий қарашлари дейиши ҳам мумкин. Лекин ҳаёт ҳақиқатининг ойнадаги аксини ҳамма ҳам инкор қилавермаска керак.

Наим домла Миртемир домланинг азобли ҳаётини қандай бўлса, шундайлигича тасвир-лайди. Шу билан бирга олимнинг ёзганларида Қодирийга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини, Чўлпон шеърятидан ҳайратланишларини, Ойбекни жуда яхши кўришини, Миртемирнинг қувончидан қувонганларини, дарди, азобла-рига шерик бўлиб қўлнга қалам олганлигини кўрасиз. Олим ижодкорларга баҳо беришда бир ўлчов — ҳақиқат тарозисини унутмайди. Улар ҳаётда қандай бўлсалар, шундайлигича қурсташига ҳаракат қилади. Ҳақиқий олим учун бир мезон — ҳақиқат ҳар нарсадан устун экан-лигини исботлайди.

Миртемирнинг душманлари кўп эди. Улар-дан бири Қосим Бобоев деганлари бўлган. У адабиётимизга катта зарар келтирган мақола-лар ёзган. Ана шу мақолалардаги найзалардан бири Миртемир қўлига қадалади. Бугун Қосим Бобоев деганлари йўқ. Лекин Миртемир бор, деб баралла айтади. Аммо Қосим Бобоев деганлари бир-икки нафармиди? Улар кўп бўлишган. Кўплашиб миллат ойдинларининг бо-шига етганлиги ҳам ачирқайди. Улардан қолган ўчмас Ҳароҳат излари-чи?

Аслида, Миртемир домлага ҳаётда яшаш осон бўлмаган.

Миртемирнинг: *Дарё эдим, Замонларнинг зайли билан сой бўлганман, Расо эдим, Нодонларнинг майли билан ёй бўлганман,* — деган сатрлари асарнинг Учинчи фаслида келтирилган бўлса-да, Олтинчи фаслида ҳам яна такрорланади. Мутлоаа жараёнида даст-лаб шу такрорийлик тасодифан ўтиб кетган-дир, деган ўйга бордим. Ўзимча хато топгандай ҳам бўлдим. Йўқ! Тўғри қилинган экан. Чунки бу сатрларда Миртемир домланинг сурати бор. Шоирнинг аччиқ ва очик ҳаёт йўли чизилган ўл-мас сатрлар. Кўзни каттароқ очадиган мактаб ҳам бор. Тўе шоир: “Ўзбегимнинг фарзандлари дарёлигини йўқотиб, сой бўлиб, баъзан ёй бў-либ қоришдан сақлансин!” — деб хитоб қилаёт-гандай. Аслида, бундай ўйлаб қаралса, бугунги алғов-далғов замонда ҳам миллатнинг ҳар бир фарзандининг қўзини очадиган сатрлар эмасми бу? Тўе шеърни қайта ўқинглар, Мир-темирни билмаганлар билиб қўйинглар, дейи-



лаётгандек...

Ноҳақ қамалишлар, айрилиқ азоблари... Бу-лар етмагандай, чин юракдан севган рафика-сининг бир амалдорчанинг уйинига ўйнаб ке-тишлари... Раққоса Ҳалимаҳон Миртемирдай хокисор, ноҳақ қамалган эрини қуттишга яра-мади. Раққоса рафиканинг хиёнатига ҳам чи-даб яшаган шоирнинг дардлари шеърларига кўчди.

Миртемирнинг кўплар ёд биладиган бир шеъриндан парча: *Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим. Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Мен учун йилгасин, мен йилгаб бўлдим.*

Наим Каримов “Бу шеърининг ҳар бир сатри ва ҳар бир ҳужайрасидан ҳаётдан дод деб ке-таётган шоир қалби зарб бериб туради”, — де-ган мулоҳазани билдиради. Миртемир домла йилгаб чарчаган экан, Наим домла-чи? Бу ёруғ дунёдан дод деб ке-тганларнинг аччиқ аламли қисматини ёзиш қан-чалар оғирлигини тасаввур қилмоқнинг ўзи азоб. Бу азобга ҳам чидамоқ керак. Наим домла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби билглаб миллат ойдинларидан айрилган кўнлар битил-ган архив ҳужжатларини кўрганида, кўз ёшла-рини тия олмаганини, йиллаганини кўрганлар бор. Аччиқ қисматлар ҳукми ёзилган сарғайган сатрларни ўқиб, йилғамаслик учун юрак қургур тошдан бўлиши керак. Домла йилғамганда, улар ҳақида шундай ёза олмасди. Буюклар-дан айрилиш азобини чуқур ҳис қилмоқ учун буюқ олим бўлмоқ керак, деган сўзларни айт-гим келади. Домла йилгаб-йилгаб ёзганларида сарғайган сатрлар устига қанча кўз ёшларини тўққани бизга қоронғи бўлса-да, бир ҳақиқатни айтмоқ керак. Ҳақиқий миллат фарзандигина шунчалар оғир юкни ўз бўйнига олади. Қатагон қурбонлари ҳаётини авлодларга етказиш учун жуда катта, кучли юрак керак эди. Шунинг учун ҳам қабринг нурга тўлгур жаннати инсон Наим домланинг заҳматли меҳнатини ўзига хос қаҳ-рамонлик деб аташ мумкин.

Домла Наим Каримов Миртемир шахси, ин-соний фазилатлари ҳақида ёзаркан: “Шоир-нинг ўта даражада камтарлиги, ҳатто уят-чанлиги мени хайратта солар, баъзан унинг олпида ўзимни қандай тутишини билмай қо-лардим”, — деган фикрларни билдиради. Ўз-лари-чи? Наим ака ҳақида гап кетса, уни бил-ганларнинг барчаси шунчалар катта олимнинг ўта камтарлиги ҳақида сўз юритишади. Чин-дан ҳам академик Наим Каримов ўзининг кам-тарлиги билан ҳам камолга эришган улуғ олим

эдилар. Бундай ўйлаб қаралса, ҳақиқий, асл олимларга ўта камтарлик фазилати “юққан дард” бўлармикан? Кўз олдимга Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Азизхон Қайумов, Озод Шарафиддинов каби аллома инсонларни кел-тираман. Улар кибрдан бутунлай холи, ўзлари-нинг бу ўткинчи ҳаётда одамини ҳайратга сола-диган даражадаги камтарликлари билан ҳам мактаб яратиб кетгандилар. Ана шу улуғлар қаторидан муносиб жой оладиган олимлар ҳа-қида гапириладиган бўлса, Наим Каримов но-мини ҳеч иккиланмасдан фаҳр билан улар са-фига қўйиш адолатдан бўлади. Наим аканинг қатагон қурбонларидан тортиб, адабиётимиз-нинг бугуни ва эртаси ҳақидаги ёзганларини тарози палласига қўйса қанча бўларкан? Ҳар бир жумла устидаги меҳнат, уйқусиз тунлар, иход, илмий жасорат, ўз умрини илмга бах-шида этиш... Шундай инсонни тириклигида қай даражада қадрладик, деган саволлар ҳам пайдо бўлиб қолади. Тўғри, умрининг охириги йиллари кўплаб олимлар қатори Наим аканинг ҳақ меҳнати қадр топди. Буларнинг бари Юрт-бошимиз Шавкат Мирзиёевнинг илм аҳлига бўлган юксак эътибори самараси дейиш мум-кин. Лекин барибир бир нарсани унутмаслиги-миз керак. Наим акадек ўз соҳасининг ҳақиқий фидойилари, миллат эртаси учун умрини бах-шида етатидагилар ҳар кунни ҳам дунёга кела-вермас экан. Киму ким, бизлар учун катта са-боқ бор. Наим ака ёзган миллат қаҳрамонлари тириклигида ҳўрландилар, азобландилар, қа-тагон қурбони бўлдилар. Улар миллат пешона-сига битган бахт эди. Ўша бахт қушлари қаро ер бағрига кўмилдилар. Шунинг учун ҳам Наим аканинг асарлари орқали улар тақдирини ҳақида битилган ҳужжатларни варақламоқнинг ўзи қанчалар оғир бўлганлигини тасаввур этмоқ учун, эҳтимол, фақат Наим домла бўлиб туғил-моқ керакдир.

Рост, ҳазина топиб олдим. Китобнинг сўнгги саҳифаларини ўқиб туғатгач, шундай хулосага келдим. Бу асар — ҳақиқий ҳазина эди. Айрим ёшларни кўз олдимга келтираман. Улар бугун Наим домла ва бошқа ҳақиқий илм одамлари бўлмиш олимларни қай даражада билишадми? Катта меросни ўқишяптими? Биргина Наим аканинг авлодларга қолдирган ҳазинасидан баҳраманд бўлиб, қай даражада ҳайратлана-дилар?

Наим домла ҳам айримларга ўхшаб: “Шунча қилган меҳнатини етарли, энди ёнбошлаб ётиб, қарлик гаштини сурсам бўлар”, деган ўйга борганимикан? Йўқ! Домла тинмади. Ёзди. Ав-лодлар олпидида қарзини узмаса бўлмайди-гандек, умрининг сўнгги кунларигагина ҳазина қолдирмоқ учун кўз нуруни, бор кучини, соғ-лигини аямай меҳнат қилди. Шунинг учун ҳам олимнинг умри давом этяпти. Домла ўзидан катта ҳазина қолдириб кетди. Ушбу ўйлар сўн-гида ҳам сўз айтиш навбатини Наим акага бер-сак:

“Ҳозир Миртемирнинг иккинчи ҳаёти давом этапти. Бу ҳаёт аввалгисига нисбатан бахтли кечадами ё йўқми, бу, келгуси авлодларга бо-лиқ. Авлодлар ўз халқи билан бирга нафас олиб, унинг мунгли кунларида йилгалан, бахтли кунларида эса олтин рубобидан таралган куй-лар билан уларга қувонч улашган шоир асар-ларини ихлос билан ўқийдиларми, унинг хо-тирасини ёд этиб эъзозлайдиларми, бу бизга қоронғи. Наим шу нарса равшани, агар кел-гуси авлодлар нафис сўз санъатини ҳурмат қи-лувчи, сеувчи, маърифатли авлод бўлсалар-гина Ўзбекистоннинг келажаги буюқ бўлади”.

Бу жумлалар ортида Наим Каримовнинг ўзи тургандай. Чунки унинг илмига, ижодига те-гишли гаплар ҳам бор. Бу катта олимнинг ав-лодларга васиятини, дардимни, ташвиш ё ҳа-дигими, ё... Нисия бўлганда ҳам, академикнинг, умрини илмга, ижодга бағишлаган миллат фи-дойисининг хулосасига қўшилмасдан илож йўқ.

95 ЙИЛДАН БУЁН ПОСТИДА СОДИҚ НАШР

1-6

— Эсимда, мустақилликнинг илк йилларида ИИБ нашрларини ҳар томонлама ривожлантиришга бел болаганмиз, — деди вазир маслаҳатчиси, ўша йилларда Ички ишлар вазири бўлган генерал-полковник Зокиржон Алматов газета юбилейи муносабати билан берган интервьюсида. — Энг биринчи навбатда, тахририят ходимларига етарли даражада шарт-шароитлар яратиб беришимиз керак эди. Шу орқали вазирлик газета-журналлари сифатли, ўқишли чиқишига эришиш мақсад қилинганди. Айтиш керакки, ҳозирги даврга етиб келишдаги жараёнлар осон кечмаган. Бугун чоп этилаётган турли жанрдаги мақолалар билан танишарканман, ёрқин ранглар, чиройли дизайнлар ва уларнинг сифати яққол эътиборимни тортди, ўша пайтдаги меҳнатларимиз бесамар кетмаганлигидан ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган давр ичида "Postda — На посту" газетаси кенг жамоатчилиқнинг нашрига айланди. Айни кунда газета 45 000 дан ошиқ нусхада чоп этилса-да, кузатишлар нашрнинг 300 мингдан ортиқ аудиторияси борлигини кўрсатмоқда.

Албатта, "Postda — На посту" газетасининг юқори ададда изчил нашр этилиб, ўқувчилар кўлига мунтазам етиб боришида унинг муассиси — Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмати бор. Чунки босма нашрлар жудаям оғир аҳволга тушиб қолган ҳозирги вазиятда муассис эътибор қилмаслиги оқибатида унча-мунча газеталар ёпилиб кетяпти. Масалан, охириги йилларда моддий қийинчилик туфайли не-не ўқишли газеталар фаолиятини якунлади, қанчаси маблаг йўқлигидан вақтинча тўхтатиб қўйилган, нечаси икки ҳафтада ёки ойда бир марта зўрға чиқяпти. Сабаби, муассислар эътибор қаратмаяпти.



Ички ишлар вазирлигининг эътирофга сазовор хизмати шундаки, неча йилдан буён газета тиражини туширмасдан, доимий чиқишини таъминлаб келмоқда. Ички ишлар вазирлиги бирлашган тахририяти таркибиди 1998 йилда таъсис этилган "Qalqon — Шит" журнали ҳам ҳар ойда 15 минг нусхада мухлислар кўлига етиб бормоқда. Бу — муассис тахририятга ўзининг фарзандидек алоҳида эътибор, оталарча меҳр билан қарашидан далолатдир. Ўқувчилар кўнглига йўл топиб, юқори ададда тарқалаётган "Postda — На посту" газетаси эришаётган бундай муваффақиятлар "Босма нашрлар

ўлади" дея жар солаётган айрим кимсаларнинг фикри пучлигини исботлаб, журналистларга умид бағишламоқда.

Мазкур нашрнинг бошқа газеталардан фарқ қиладиган ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, мақолалардаги қаҳрамонлар ким бўлиши, унвони ва лавозимидан қатъи назар, уларнинг инсоний фазилатлари алоҳида ёритилади. Бу эса ички ишлар ходимларининг одамлилик ва инсонпарварлик қиёфасини яратишда муҳим роль ўйнайди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, яқин-яқингача Ички ишлар тизимига нисбатан фикрлар

ижобий эмас эди. Чунки собиқ Иттифок даврида тизим ходимлари халқ онгига фақат жазоовчи орган сифатида салбий образ яратган эдилар. Газета мана шу стереотипни ижобий томонга ўзгартиришга имкон қадар муносиб ҳисса қўшмоқда. Яъни, тахририят ходимлари тизимда фаолият кўрсатаётган шунақа қаҳрамонларни топяптики, жонкуяр, ўз касбига садоқатли ходимлар ҳақида ёзиб, уларни ўрнак қилиб кўрсатяпти. Натижада аҳоли ички ишлар ходимларининг ҳимоячи сифатидаги янги қиёфасини, имижини яратяпти.

— Ушбу газета, айниқса, ички ишлар органларида олиб борилаётган янгилашниш ва ўзгаришларни ёритишда, ходимларимиз ва улар оила аъзоларининг дунёқарашини кенгайтириш, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий билим ва салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди Ўзбекистон Ички ишлар вазири, генерал-майор Азиз Ташпулатов аср билан юзлашаётган нашрнинг хизматини эътироф этаркан. — Ходимларнинг юрт тинчлиги ва халқимиз оқсоқиллигини таъминлаш борасидаги машаққатли фаолияти, қувонч ва ташвишлари, улар эришган ютуқлар, жиноятчиликка қарши курашиш йўлида жон фидо қилган мард ўғлонларнинг ёрқин хотираси, истеъдодли ходимларнинг ижод намуналари — буларнинг барчаси газета саҳифаларида ўз аксини топган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Газетанинг бугунги кундаги ютуқлари, аввало, бош муҳаррир Бернора Содиқованинг ташаббускорлиги, масъулияти, касбга бўлган меҳри билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқ. Аёл киши бўлишига қарамай, у зиммасидаги масъулиятли вазифани нафақат профессионал журналист, балки Ички ишлар вазирлиги полковниги сифатида мақсадга аризулик даражада олиб бормоқда. Унинг янгиликка интилиши ва ғайрати туфайли тахририят замона-

вий талабларга жуда тез мослашмоқда: айни пайтда газетанинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари жуда кўп мухлислар томонидан ўқилаётгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Ростдан ҳам, бугун одамлар матбуотдан узоқлашиб, виртуал оламда "яшамоқда". Ахборот узатишда ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари етакчилик қилмоқда. Аммо "Postda — На посту" газетаси шундай вазиятда ўқувчиларини йўқотмаган, матбуотнинг кучини ҳис қилдираётган, долзарб, оғриқли мавзуларни бемалол олиб чиқаётган санокли нашрлардан биридир.

Таъкидлаш жоиз, Бернора Содиқованинг ташаббускорлиги туфайли газета турли ижодий танловларда ҳам фаол қатнашиб келади, тахририят ижодкорлари "Олтин қалам", "Энг улуғ, энг азиз", "Йилнинг энг фаол журналисти" сингари нуфузли танловларда совринли ўринларни кўлга киритган. 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси бўлиб ишлаган пайтимида "Postda — На посту" газетаси ходимларининг фаоллигига бевосита гувоҳ бўлганман. Уларнинг Уюшма томонидан ўтказилаётган танловларда кетма-кет ғолибликка сазовор бўлаётганига эътироз билдирувчи кўнгиноқлар бўлганида, танлов ҳакамлар хайъати раиси Салим Дониёровга "Ғолибликни фақат "Postda — На посту" газетаси ижодкорлари кўлга киритаётганидан нозир бўлишяпти" дедим, у: "Ижоди зўр бўлганидан кейин, олади-да!" дея қисқа қилиб жавоб бергани эсимда.

Шундай қилиб, "Постда — На посту" газетаси 95 йилдан буён халқимиз билан ҳамнафас, ҳамқадам.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси, филология
фанлари номзоди, доцент.

ТУЙҒУ

ЎТИБ БОРАЁТГАН УМР...

Вақт умримиз сониялари каби тўхтовсиз ҳаракат қилади. Олдинга ва фақат олдинга... Кимдир уни беҳудага, яна кимлардир муваффақиятга эришиш ва кўплаб изланишлар йўлида сарфлайди. Ўзи учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очади. Биз уларни "Вақтдан ўзган одамлар" деймиз. Улар ҳаётини илм-фанга, кашфиётлар қилишга, кўп билим олишга бағишлайди. Улар тўхташ ҳақида деярли ўйлашмайди. Барча фикрлар айнан муваффақиятга қаратилган бўлади. Бироқ, интернет асрига келиб бу ҳолат тубдан ўзгарди. Барчасини сунъий интеллект эгаллаб бормоқда. Бу ҳаттоки бизнинг фикрлаш доирамизни ҳам том маънода сулаллаштириб бормоқда.

Афсуски, ҳозирги вақтда кунимизнинг асосий қисми интернет орқали ўтади. Ҳаттоки бу ҳол ҳаётимизнинг ажралмас бир бўлаги сифатида ўрнашиб қолгани айни ҳақиқатдир. Оддий бир ҳаётий мисол, кундалик ҳаётда фойдаланадиган ижтимоий тармоқ мессенжерларидан "Telegram" ёки "Instagram"ни олайлик. Бир киришда



қанча муддатгача вақт сарфлайсиз? Бир кунда-чи? Унда, асосан, нима-ларга кўпроқ вақт ажратасиз? Шу саволни ўзингизга бериб кўринг-чи! Бир кунингизни интернет, ижтимоий тар-

моқлар, умуман, телефонсиз ўтказишни тасаввур қилиб кўринг. Албатта, зерикарли... Чунки биз ёшлар унга анчагина боғланиб қолганмиз. Асосий ва қўшимча ишларимиз ҳам интернет би-

лан узлуксиз алоқадор. Бироқ мана шу интернет асрига келиб меҳр-муҳаббатни, яқинларни йўқлашни, ҳаттоки табрикларни ҳам "онлайн" улашмоқдамиз. Авваллари яқинларнинг каттагина давраси, ўчоқда тайёрланган мазали ошлар, таомлар, беғубор кулгилар бўлса, ҳозирга келиб видеоқўнғироқ орқали кўришув, меҳмондорчилик, тўғилар ҳам тўғридан-тўғри карта рақамларга юборилади. Китоб ўқишлар "замоनावийлашиб" кетган. Аслида, китобнинг ўзини олиб, унга меҳр қўйиб, ўша ҳолатнинг ичига кириб ўқишга нима етсин!

"Вақт бамисли қилич кабидир. Агар сен уни кесмасанг, у сени кесади", деб бежиз айтишмаган. Мана шу ўтиб бораётган сониялар бизнинг ўзимиз яшаб турган ҳаётимизда ким эканлигимизни, жамиятдаги ўрнимизни белгилаб беради. Ҳаёт оппоқ саҳифа кабидир. Шундай экан, уни беҳуда сарфлаб, қора нуқталарга тўлдириб юбормайлик.

Муроджон МАХМУДОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети талабаси.

ОҒРИҚ



ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ТЕЛБАЛИК ЭМАСМИ?

Сир эмас, бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Айниқса, ёшлар орасида "like" (ёқтириш) тушунчаси нафақат мулоқот воситаси, балки гўёки янги турдаги "наркотик" — диққатни, вақтни ва ҳатто ҳаётнинг ўзини эгаллаб олмоқда. Ушбу "like"лар ортида ёшлар ҳақиқий қадриятларини йўқотиб, руҳий ва маънавий бўшлиққа дуч келмоқда.

Авваллари ёшлар кўпроқ ҳақиқий дўстлар билан юзма-юз учрашиб, самимий суҳбатлар қиларди. Бугун эса "like" олиш уларда ўзининг қабул қилинишини баҳолаш мезонига айланган. Ижтимоий тармоқларда йиғилган ҳар бир "like" вақтинча қувонтиради, ўзини қадри ҳис қилишга ундайди. Аммо бу фақат вақтинчалик ҳис — "like" қарамлиги ҳосил бўлиб, уни доимий излаш ёшларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Масалан, сўнгги йилларда Ҳиндистонда юз берган бир воқеа буни кескин тасдиқлайди. Ёш қиз ўзининг ижтимоий тармоқлардаги постига етарли "like" келмагани учун руҳий босим остида қолиб, ҳаётига нуқта қўйишга мажбур бўлди. Бу ачинарли воқеа ёшлар орасида рақамлар ортидан қувшининг, юзаси қадрга эришиш истагининг қанчалик хавфли эканлигини кўрсатади.

"Like"га қарамлик бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради:

- Реал ҳаётдаги муносабатлар заифлашади, дўстлик юзаси бўлиб қолади. Ёшлар кўпинча ўз ҳақиқий юзини яшириб, бошқалар учун қаҳрамон образини яратишга мажбур бўлади.
- Кўп вақт ва кун ижтимоий тармоқларга кетади, бу эса ўз-ўзини ривожлантириш учун имкониятларни камайтиради.
- Пост ёки сурат етарлича "like" олмаса, айрим ёшлар ўзларини паст баҳолаб, ўзига бўлган ишончини йўқотиш хавфини сезади.
- "Like" олиш учун доимий янги контент яратиш ва бошқалар билан солиштириш ёшларни руҳий зўриқишга солади, стресс ва тушқунликка олиб келади.

Бу муаммони ҳал қилиш учун ёшлар, ота-оналар, таълим муассасалари ва жамият биргаликда ҳаракат қилиши керак. Ёшларни ижтимоий тармоқлардан оқилона фойдаланишга ўргатиш, уларнинг руҳий соғлиғи ва маънавиятини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш зарур. Айниқса, ёшларда вақтинчи ҳақиқий қадриятлар, билим олиш, китоб ўқиш, газета-журнал мутлоаа қилиш, спорт ва ижода йўналтириш кўникмаларини болаликдан шакллантириш керак.

"Like" фақат вақтинчалик рақам эканини англаш жуда муҳим. Ҳаёт эса бундан анча кенг ва мазмунли — унда ҳақиқий инсоний алоқалар, тажрибалар ва орзулар бор. Ёшлар ўз ҳаётининг бошқарувчиси бўлиб, рақамлар ортидан қувиш ўрнига, чинакам бахт ва маънавий бойлиқни топишга интилишлари лозим.

Шаҳризода МУСАЕВА

КЕЧИНМА

ОЛТМИШ СОАТ

Олтмиш соат. Бу оддий бир вақт бирлиги каби туюлиши мумкин. Аммо менинг ҳаётимда бу вақт — узок йўл, соғинч ва сабр-тоқат номидир. Тошкентда ўқийман. Орзу қилган касбим сари ҳаракатдаман. Лекин жуда яхши биламан, бу орзуларим орқасида турган инсон бор. У — отам. У киши биз учун, оиламиз учун, келажагимиз учун жонбозлик қилаётган қаҳрамон. Мана, яқинда яна чет эл сафарига отланди: Россияга. У ерда дадамни меҳнат қилиб турибди, оғир меҳнат. Айрилиқ, машаққат, соғинч қилиб турибди.

Онам айтади: "Тирикчилик ўлсин!" Отам сафарга, тўғрироғи, оғир меҳнатга кетар қуни уларни кузатдим. Россияга Тошкент автовокзалдан автобусда кетди. Нақ 60 соат, икки ярим кун йўл юраркан. Чегаралардан ўтади, ухлайди, уйғонади, овқатланади, ҳойнаҳой, фақат бизни уйлайди. Бу сафар —

саёҳат эмас, балки тирикчилик сафари.

Уйда онам, иккита укам қолди. Онам сабрли. Укаларим: "Дадам қачон телефон қилади?" деб сўрайди, сўрайверади ҳар кун.

Мен эса уларга суянчиқ бўлишга уринаман. Акаман, дадам йўқлигидан уларга таянч бўлишим керак.

Отам кетди, юрагимда бир ғашлик қолди. Ойнадан отамнинг орқага қайрилиб қараганини кўрдим. Бу қараш сўзсиз, садосиз эди. Бу нигоҳда масъулият, меҳр, ўқинч ва умид бор эди.

Бу ёзаётганим фақат менинг отам ҳақида эмас. Минглаб оталар ҳақида. Биз учун ўзини аямайдиган отам билан фахрланаман!

Ўқиб, ҳаётда ўз ўрнимни топаyki, вақти келиб фарзандим мени ҳам вокзалда Россияга ишга кузатиб қўймасин. Бу тақдир унга бегона бўлсин!

Меҳрузбек АДҲАМОВ,
ЎЗЖОКУ журналистика факультети
талабаси.





ҚИЁФА

ДОРБОШИ

Сафардан қайтиб, қўлимда совға қилинган китобни айлантириб турган эдим, телефон жиринглаб қолди. Олсам, худди ғойибона хабар етгандек, шу китобнинг муаллифи. Хуш тавозе билан саломлашиб, ҳали янги китоб билан табриклашга ҳам улгурмаган эдим, шахт билан сўроққа тутиб қолди:

— Мен сизга берган китобларни айтган одамларимга етказдингизми?

Ҳали бу юмушга навбат етмаган эди: — Хозирча йўқ, — дедим ва сабабларини тушунтиришга оғиз жуфтлаган эдимки, зарда билан:

— Э, қанақа одамсиз? Қанча тайинладим, кетганингизга бир ҳафта бўлди, — деган удағайлаган овоз келди.

— Уйда жўмақдан сув кетиб ётган экан, уста...

Гапимнинг давомини ҳам эшитмай, яна нима-лардир деди-да, телефонни ўчириб қўйди. Яхшиям ўчирди, бу оташинлик билан кўп бемаза гаплар айтиши мумкин эди. Сухбатдошим шунчалар алам билан гапирдики, гўё машхур дорбознинг эвараси ва илмий тадқиқот институти жамоаси кечаю кундуз шу китобни кутиб ётибди, тезроқ етказмаса, ҳаво етмай, бўғилиб қоладигандек. Мен қўлимдаги юмшоқ муқовали, одмигина китобнинг бунчалик муҳим эканини ҳис этмаганимдан бир оз мулзам бўлдим. Нима бўлса ҳам ичимга ютдим, муаллиф яхшиям ўша ал-позда:

— Ҳалиям элтиб бермасиз... Кеча еган зиғир ошингиз тешиб чиқмайдими?... — деб юбормади. Агар гап давом этса, муомала шунгача борадиган эди.

Чуқур нафас олиб, қўлимдаги китобни бир сал-моқлаб қўйдим. Китоб ҳам фарзандидек гап-да, жаҳли чиққанининг сабаби бордир. Ёки табиатан айтганини қилдирадиган, ўзи лафзида турадиган ва бошқалардан ҳам шунини талаб қиладиган қатъиятли одамдир. Агар шундай чўрткесар, талабчан одам бўлса, гапида жон бор. Айтганини қилдирадиган, ўзи тартибли одамлар бошқалардан ҳам шу фазилатларини талаб қилади. Балки, эришган муваффақиятларининг замирида ана шундай талабчанлиги, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам мурасасизлиги, масъулиятини чуқур ҳис этиши сабаб бўлгандир.

Аслида ҳам унинг мақтанса арзийдиган ютуқлари бисёр эди. Ҳамманинг кўз олдида, ҳатто қариндошларини ҳам лол қолдириб, шундай ишларни амалга оширдик, уларнинг салобатини чамалаб, лол қолмаслик мумкин эмас эди. Бу айни ҳақ гаплар...

Муқовасига “Дорбозлар” деб ёзилган, йирик кўринишда дўпўлими, соқоли кўксига тушган оқ яхтакли одамнинг сурати, дорда узун лангарчўп тутган, дор устида ҳам ҳаяжон билан одимлаётгани билиниб турган айнан шу зотнинг тасвири туширилган китоб халқимизнинг қадимги санъат турларидан, энг томошабоп ва халқчиқ йўнларидан дорбозлик ҳақида. Албатта, текис йўлда эплаб юра олмайдиганлар учун ҳам ёки булутлар бағрида ҳавода муаллақ туриб, қўйидаги одамларни хайратга солаётган дорбознинг ўзи учун ҳам бу ҳунар сирли, сехрили ва синопатли туюлади. Бу ҳақда ҳали айтилмаган гаплар кўп, соҳа тарихи ва тадрижи — очилмаган қўриқ. Ана шундай муҳим ва долзарб мавзудаги китоб муаллифи ичкари жилдда кўрсатилган: Саъдулла Мамадалиев.

Саъдулланнинг ота-боболари, бутун зоти-буди кенг далаларда сурув қувиб, ер ҳайдаб ўтган чорвадор ва деҳқон бўлган. Улар дорга чиқишни ҳам, ҳатто лангар чўп ушлашни ҳам хаёлларига келтирмаганлар. Не ажабки, Саъдулла ва фарзандларининг ризқи юксакилқиларга, ҳаволарга сочилган экан. У дорбозликни йўқ жойдан бошлаб, бутун бир сулолага асос солди, республикада шу санъат тури мухлислари, тадқиқотчилари, пири компиллари даврасида муносиб ўрин эгаллади. Албатта, бу йўлга бир кур разм солиш мароқли манзараларни кўз олдимизда гавдалантиради.

Саъдулланнинг отасини билганлар “Мамадали текис йўлда ҳам тўқишмасдан юра олмас эди, ўғли дорда қуддек учади”, дейишган. Бунинг аниқ далили бор. Тоғда жониворлар қуршовида ўсган Мамадали болалигидан гапга чечан, шўх, ерга урса, қўкка сакрайдиган бола бўлган. Ўн ёшларига ҳўп ҳайдаб турганида галаговга қўшилган отнинг чатанига чири билан уради. Этига тикан кирган жонивор бор ғазоби билан оёғини силтайди. Шунда отнинг нагал қоқилган бакуватат туёғи яқинда турган Мамадалининг пешонасига тегади. Зарб шунчалик кучли бўлганки, икки қошининг ўртасидаги суяги чўкиб кетган, кўз қийшайиб қолган (“кўз — эғали” деганларидек, жойидан чиқиб кетмаган), шундан амаккимиз одамга ер тағидан қарагандек тикилар, қадамини ҳам тусмоллаброқ босарди.


Шу инсон бир умр Шахрисабздаги кўзи ожизлар корхонасида пойандоз тўкувчи бўлиб ишлади, оиласини пешона тери билан боқди. Қарийб ярим аср бир маромдаги турмуш тарзини бозмади; тонг гира-ширасида уйдан чиқар, 6-7 чақиримлик йўлни пийёда босиб, ишга ўз вақтида келар, кечкурун яна бир вақтда иш жойидан чиқиб, енгил қадамлар билан уйига шошарди. Қишлоқдошлари “Мамадалининг ишга бориб-келиш вақтидан соатни тўғрилаб олса бўлади”, дейишарди ярим чин, ярим ҳазил билан бундай аниқликка тан бериб. Табиатан очик кўнгил, самимий одам эди, давраларини озгига қаратиб ўтирарди.

Ана шу инсоннинг иккинчи ўғли Саъдулла акиси Эркиндан фарқ қилиб, ўқитувчиликини эмас, дорбозликини танлаган эди. Тўғриси, бу соҳага уни тақдир шамоли учуриб келганди: ҳарбий хизматни Германияда ўтаб қайтган, қараса, ака-ука таҳсил олган Шахрисабз педагогика техникумида жисмоний тарбия ўқитувчилари Нўмон Алимардонов ва Қўчқор Шарипов дорбозлар гуруҳини ташкил қилган экан. Спорт гимнастикаси ва акробатикадан қобилиятини кўрсатган ва ҳарбий хизматда чиниқиб келган Саъдулла учун бу гуруҳ катта ҳаётнинг ашиқларини очиб берди. Томошаларнинг жозибадорлигини ошириш учун турли сценарийлар ёзиш, сўзга чечанлик билан томошабинларни жалб қилиш, қолаверса, масхарабозлик ва аския борасида унинг сўзамоллиги, шир-табиатлиги қўп келди. Ёш болаларнинг кўнглига кириб, уларни гуруҳга жалб қила олиши жамоада мав-

қеини оширди. Шу билан у дорбозлар гуруҳининг асосий иштирокчиларидан бирига айланди.

Бу орада турли томошалар, фестиваллар, узоқ-яқинларга ижодий сафарлар уларнинг имкониятларига янги уфқларни оча бошлади, атроф-теварақда “Шахрисабз дорбозлари” деган ном тезда ёйилиб кетди. Муваффақиятлар ҳам эътироф этила бошланди. Ҳаваскорлик гуруҳлари ўртасидаги танловларда ғолиблиқдан ташқари, 1984 йилда машхур “Лазги” ансамбли билан Эфиопия давлатида бўлишлари, бир йил ўтиб, Москва шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон ёшлари ва талабалар фестивалида иштирок этишлари фаолиятнинг биринчи босқичидаги ҳам эътироф, ҳам ютуқ бўлди.

Мустақиллик арафасида Саъдулла Мамадалиев ҳайвонот боғи ташкил қилиш ҳақида тез-тез гапирадиган бўлиб қолди. Бунини эшитганлар хаёлпараст йи-



гитнинг ҳавойи гаплари-да, дейишгани рост. Аслида ҳам шундай эди-да. Зоопарк ташкил қилишнинг ўзи бўладими? Аввало, ер олиш, кейин иморатлар қуриш, яна ҳайвонларни топиш, уларни қафасда боқишни ташкил қилиш... Булар амалга ошмайдиган гаплардек туюларди. Бирок “Чини билан йилгасанг, сўқир қўздан ёш чиқар” деганларидек, сидқидилдан ҳаракат бўлса, тоғлар ҳам очилиб, йўл берар экан.

Аммо кўндаланг турган қийинчиликларни бартараф этиш, амалга ошириш шарт бўлган юмушларни бажаришда ҳеч қандай мўъжиза қўмак бермасди. Ҳаммасини қадам-бақадам адо этиш, ҳар бир ёштини қўлда тахлаш, ҳар қарич ариқни қовлаш ва... идораларнинг расмийтачиликларини ҳафсала билан енгиб ўтиш лозим бўларди. Саъдулла дор ўйинлари билан бирга бундай ташкилий ишларни ҳам кифтини келиштириб ҳал қилиб борди.

Бу орада оилада фарзандлар туғилиб, улғайди, улар ҳам отанинг жонсарақлигини, фидойилигини қўриб, унинг касбини севди, қолаверса, соҳанинг истиқболини ўйлаб, Саъдулла уларни шу соҳага йўналтирди. У бошлиқ ҳисобланган йигирмадан зиёд иштирокчиси бўлган гуруҳда унинг фарзандлари: қизлари Умида, Ҳамид, Комила, кейинчалик ўғиллари Сарвар, Абубакр, Сўхроб номлари қайд этилган. Албатта, 2-5 ёшли митти қизалоқларнинг дадасининг елкасида дор устига чиқишлари, ёшига мос томошалар кўрсатишлари, масхарабозлик хунарлари ёки нафис бадийи гимнастика ва чаққон акробатикага таянган чиқишлари оила ижодий таржimai ҳолининг илк саҳифаси сифатида ҳам, Саъдулла асос солган сулоланинг биринчи қадамлари сифатида ҳам қимматли ва тарихий эди.

Энди бу ёғидаги фаолият ана шундай даражадаги юксақлик ва баланд парвоз билан давом этиши лозим эди. Ва шундай бўлди ҳам.

Давлатимиз мустақиллигини эълон қилган, миллий қадриятларга муносабат ўзгарди. Жумладан, дорбозлик санъати ҳам тортиниб, қисиниб ўтирмай, қанотини кенг қўйиб ривожлана бошлади. Давр руҳини ва замон йўрғини теран ҳис этган Саъдулла Мамадалиев заррача тортиниб ўтирмай, кўнглидаги орузсини амалга оширишга киришди. Унинг ички бир сезгиси ҳаракатлари самарали бўлишини башорат қилгандек бўларди.

Айни пайтда табдиркорликка ҳам йўллар очила бошлади. Аллоҳида корхона очиб, дорбозлар гуруҳи таркибида фаолиятни давом эттиришди. Мўлжал катта олинган эди, шунга мос равишда режалар ҳам, томоша турлари ҳам кенгайди. Тургун ва кўчма хай-

вонот боғи, ёпиқ миллий цирк (шапито), дорбозлик, мотоспорт, каскадёрлик томошаларини аста-аста ташкил эта бошладилар. Бир сўз билан айтганда, чорак аср — йигирма беш йил давомида ҳайвонот боғи қурилиши яқунланди.

Тургун зоопаркда эллик хилдан зиёд турли ҳайвонлар сақланади. Бу ерга ташриф буюрганлар шер, йўлбарс, айиқ, лама, ҳар хил тоғ эчкилари (ки-йиклар), бурладан ташқари йиртқич қушларни қафасда жонли қўриб, буюк табиат мўъжизаларига гу-воҳ бўладилар, ўзларининг қандай олам қуршовида яшаётганларини ҳис этадилар. Боғ ҳудудидидаги 40 метрлик динозавр ва аждаҳонинг макети дунёнинг мислсиз куч-қудратга бой эканини тасдиқлаб туради. Уларга яқин жойда минглаб қушлар учун учиб-қўниб яшайдиган маскан ташкил қилинган.

Хуллас, Саъдулла Мамадалиев ва жамоаси барпо этган бу мўъжизали масканда одми ҳаёти-мизда учрамайдиган синаотларга дуч бўласиз, ўзин-гизни яна бир марта она табиатнинг бир бўлағи си-фатида сезасиз. Кўнглингизда бутун борлиққа меҳр, атроф-теварақни асраб-авайлашга жавобгарлик ҳис этасиз. Шахрисабзнинг қунҷқар томонида макон топган мазкур масканин ташкил қилишдан мақсад ҳам ана шундай бўлган эди.

Албатта, эришилган ютуқларни кўрсата олиш ҳам катта санъат, маҳорат. Бу борада икки нуқтага тўхта-либ ўринли бўлади. Биринчиси, юртдошларимизни жониворлар олами билан беминнат таништириш мақсадида кўчма ҳайвонот боғи ташкил этилди. 2001 йилдан бошлаб ўн донга йилдиракли саккиз метрли вагонлар билан гастроль сафарлари уюштирила бошланди. Бундай томошалар республикамизнинг жами вилоят ва қўллаб туман марказларида ташкил қилинди. Янги хизмат турлари, масалан, чет эллардан келтирилган турли агрим-чқлар билан кўрсати-ладиган кўнгилочар ўйинларнинг ишқибозлари ҳам кўпайиб кетди.

Кўзга ташланадиган иккинчи муҳим нуқта шундан иборат бўлганки, ҳайвонот боғи ҳудудида тарихий музей ташкил қилинган. Унда сафарлар давомида қўлга илинган ва махсус излаб топилган ашёлар ўрин олган. Ўнлаб ойнаванд ишқаларда тахланган ва дид билан жойлаштирилган. Жозибадор қилиб безатилган экспонатлар кишини ҳайратлантиради. Сиз оддий рўзгор анжомларидан тортиб аждодла-римизнинг турли-туман либослари, оёқ кийимлари-гача, ранг-баранг фотосуратлар қўлда чизилган су-ратларгача, сўзанаю кўрпалар, дунёнинг турли дав-латларидан келтирилган минглаб қўрқар нишонлар (значқлар)дан тортиб баъзи оиалар тақдим этган расмлар альбомигача — жуда кўп нодир ашёлар-нинг бой коллекциясига дуч келасиз. Тандирда нон ёпаётган она, кўрпа остида уйқуга кетган болачалар-нинг махсус ишланган мулжаллари кўнгилда чўкиб ёт-ган хотиралари жонлантиради.

Хуллас, бу жойда қайсидир маънода Париждаги Лувр музейи ёки Нукусдаги Савийқий сурачтонаси-нинг об-ҳавосини туюсиз. Битта афсусланидиган то-мони — бу нодир ашёларга етарлича эъзоз йўқлиги, кенг тарғиб-ташвиқ қилинмаслигидир. Тўғри, уларни Шахрисабзга ташриф буюрган сайёҳларга шу ҳолда кўрсатиб бўлмас, аммо захирода мавжуд бойлиқни намойиш этиш йўлларини қидириш мумкин бўлар. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳукумат доирасида қўл-лаб-қувватланиши лозим. Аввало, ҳамма ҳам бун-дай хайрли ишларга жазм этавермайди. Кейин эса ҳамма жойда ҳам бунча кўп осори-атиқа жамланма-ган. Албатта, Маданият вазирлиги мутасаддилари бирор жўяли муносабат билдирадилар, деб умид қиламиз. Бу ерда тўпланган буюмлар тарихимиздан ҳикоя қилувчи сўнги нусха бўлиши мумкин.

...Китобни ўзгача қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда бир соҳага қадам қўйиб, уни ҳаётининг мазму-нига айлантирган, эртанги ривожни учун жон қўйдир-ган бир фидойи ижодкор ва амалиётчининг бутун ички маънавий бисоти жамланган, деса бўлади. Дор санъати тарихидан бошлаб бу соҳанинг тадрижи, соҳа фидойилари, уларнинг ҳар бирининг дорбоз-лиқни ривожлантиришдаги ҳиссалари, шунингдек, дорни ўрнатиш, унинг қисмлари, дор ўйинларининг турларигача жуда кўп маълумот жамланган. Муал-лиф бутун борлигини бағишлаб, уни яратган (етка-зиб беришни кечиктирганим учун мендан хафа бўл-ганича бор), бундай тўппалар ҳазина бўлиб қолиши аниқ. Фақат унда баён ва ифодаларни бадийлаш-тиришда муҳаррир ҳамда нашриёт жиддий ёндаш-ганда, яна ҳам қимматли ошарди.

Ўқиймиз (айнан, ўзгаришсиз кўчирма): “... 2017 йиллари каминанинг ёши камиди 60-64 да бўлса-да, қайси шаҳар туманларига дор қурадиган бўлсин ал-батта бир-икки марта баланд қия дор сингари ер-гитадиган сим дорга чиқиб баланд сакраганда ёки шохташлаб икки ёнга ўтириб туриш ўйинларини ба-жараётганимда, кўкрагимда киндиккача чўзилиб ту-радиган кенг соқолимни дор шабадасида иккига бў-линиб елкамга очилиб туришини кўрган томошабин-лар, бу чол 70-80 ёшни босиб ўтган бўлса ҳам дорга сакраб ўйнаши 25-30 ёшли дорбозлар сингари деб бир-бировларига айтганлари тез-тез қулқоқча чали-ниб турарди” (“Дорбозлар” китоби, 39-бет. Мухар-рир И.Аҳмедов, мусаҳҳиш С.Саидмирова. “Дониш-манд зиёси” нашриёти. 2022 йил.)

Албатта, бу матнни ўқиган саводли одамда ким-лардир вазифасини яхши уудаламабди, деган иш-тибоқ туғилиши табиий. Китоб бошдан-охир шу “ус-луб”да, яъни муаллиф қораламаси тахрир қилин-масдан босилган. Албатта, жамоатчилик назари ва ноширлик касби ҳаққи-хурмати учун ишга масъу-лият билан ёндашилганда, ҳеч қандай эътироз бўл-масди. Негаки, фидойилик ҳам ўзига шундай муно-сабатни талаб қилади. Саъдулла Мамадалиевнинг ҳаракатлари чиндан ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. У бошлиқ жамоа яратган маънавий бойлик халқимиз мулки бўлиб қолишига ишонамиз.

Раҳматли амаккимиз Мамадали Бозорбой ўғли биз тенги фарзандларини интернет-мактабга ўқишга қўйди ва ўз феълига мос равишда ҳаммага “Бу дар-гоҳни биттирганлар муҳим давлат ишларини бажара-диган одам бўлиб чиқади”, деб мактабни юрди. Отан-нинг эзгу орузси қайсидир маънода амалга ошганга ўхшайди. Умид ва ишонч ҳам фарзандларга кела-жақда қанот бўлиши рост экан. Омад ёр бўлаверсин сизларга...

Ҳасим САГТОРИЙ



ХОРИЖ

КИЧИК ТРАМП ОТАСИНИНГ ЎРНИНИ ЭГАЛЛАШИ МУМКИН

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг ўғли кичик Дональд Трамп 2028 йилга АҚШ президентлиги сайловларида Республикачилар партияси номзоди бўлиши мумкин. Бу ҳақда “The Hill” хабар берган.

Нашрда айтилишича, Трампнинг катта ўғли ўтган ҳафта отаси Оқ уйдан кет-гандан кейин сайловларда иштирок этиш имкония-тини инкор этмаган. Шу билан бирга, вице-президент Жеймс Дэвид Вэнс ҳам яхши имкониятга эга. Аввалроқ, бир интервьюсида Трамп Вэнс 2028 йилда унинг во-рисси бўлиши мумкинлигига ишора қилган эди.

Шунингдек, номзодлар орасида Давлат котиби Марко Рубио, Ички хавф-сизлик котиби Кристи Нозм ва учта губернатор ҳам бор.



МАЛЬТА ВА ФРАНЦИЯ ФАЛАСТИННИ ТАН ОЛИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Мальта июнь ойида ўтказилган халқаро анжуманда Фаластин мустақиллигини расман тан олишни режалаштирмоқда. Шунинг-дек, Франция ҳам шунга ўхшаш қарор қабул қилиши мумкин. Бу ҳақда “Times of Malta” ва “Axios” нашрлари маълум қилмоқда.

Мальта бош вазири Ро-берт Абеда ўз мамлакати Фаластин мустақиллигини тан олишга тайёрданаётганини билдирган. Унинг айти-шича, расмий баёнот жорий йилнинг 20 июнь кунини Саудия Арабистони ва Франция томонидан БМТ кўмагида ташкил этиладиган халқаро анжуманда эълон қилинади.

“Axios” ахборот агентлиги хабарига кўра, июнь ойида Франция ҳам шундай қарор қабул қилиши мум-кин. Президент Эммануэль Макрон апрель ойида “France 5” телеканалига берган интервьюсида Фаластинни тан олиш яқин ойлар ичида ҳал қилина-диган масала эканлигини таъкидлаган эди.



САУДИЯДА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА РУХСАТ ЭТИЛИШИ МУМКИН

Саудия Арабистони 2026 йилдан бошлаб алкоголь маҳсулотла-рини сотиш ва истеъмол қилишга рухсат беришни режалаштир-моқда. Бу қадам 2034 йилда ўтказиладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида тайёргарлиқнинг бир қисми қилибланади. Бу ҳақда “The Economic Times” хабар берган.

Спиртли ичимликлар фақат 600 га яқин турис-тик жойда сотилиши режа-лаштирилган. Булар, асо-сан, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари ва сайёҳ-лар учун мўлжалланган ҳу-дудлар бўлади. Пиво, вино ва сидр сотиб олиш мумкин бўлади. Қучлироқ спиртли ичимликлар учун тақиқ бе-кор қилинмайди.

Бундан ташқари, мамлакатда уйда, дўконда ёки жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас. Ҳар қандай қоидабузарлик жари-мага сабаб бўлади, унинг миқдорида аниқлик киритилмаган.

Мамлакатнинг алкоголь сиёсатидаги ўзгаришлар Саудия Арабистони-нинг иқтисодий ўсиш бўйича миллий режаси — “Vision 2030”нинг бир қис-мидир. У туризмини кенгайтиришга қаратилган. Маҳаллий амалдорлар фик-рича, бу иш ўринлари яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб этишга ёрдам беради.



ҚИРГИЗИСТОН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ КУБОГИНИ ЎТКАЗМОҚЧИ

Қирғизистоннинг Қоракўл шаҳрида барпо этилган янги стадион-нинг тантанали очилиш маросимида Президент Садир Жапаров мамлакат спорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ту-зилган кенг қўламли режа ҳақида маълумот берган.

Жумладан, Бишкекда 51 000 ўринли Марказий Осиёда энг йирик стадион-лардан бири қурилаётгани таъкидланган. Мазкур ин-шоот республикада спортни ривожлантириш ва йирик халқаро мусобақаларни ўт-казиш учун шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракат-нинг муҳим бўлагидир.

Бундан ташқари, С.Жа-паров Қирғизистон 2031 йил футбол бўйича Осиё кубогини ўтказиш учун расман ариза топширганига ҳам тўхталган.



СУРИЯДА 8 МИЛЛИОН КИШИ КУЗАТУВДА БЎЛГАН

Сурия собиқ президенти Башар Асад бошқаруви даврида махсус хизматлар тахминан саккиз миллион кишини кузатган, қидирган ёки улар ҳақида маълумот тўплаган. Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлигига таяниб “Deutsche Welle” хабар берган.

“Бу Сурия халқининг деярли учдан бир қисмини ташкил этади. Махсус хиз-матлар ва бошқа идоралар уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот тўплаган”, дейди вазирлик вакили.

Унинг сўзларига кўра, сак-киз миллиондан ортиқ одам сиёсий сабабларга кўра мах-сус хизматлар эътиборига тушган. Бу, асосан, норо-зиллик намойишлари иштирокчилари ва режим мухолифларига тааллуқли ҳисобланади. Улар қўлчанча “терроризм”да айбланган, ҳибсга олинган, қа-моққа ташланган ёки кузатув остига олинган.

Сурия ҳукумати вакилининг таъкидлашича, кўпчилик одамлар махсус хизматлар назоратида тушганини фақат назорат-ўтказиш пунктларида тўх-татилганда ёки мамлакатдан чиқиб кетишга уринганда билишган.



Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ЗАМОНДОШИМИЗ

БАХТ ЧИЗГИСИ

Ёши улғайган одам умр дафтари саҳифаларини арақлар экан, унда қилган ҳар бир хатти-ҳаракатини таҳлил қилади. Фаолияти инсон тақдири билан боғлиқ касб эгаси бўлган узоқ йиллар судья бўлиб ишлаган Хайрулло Намозов билан суҳбатимиз ана шундай фикрлар билан бошланди.

— Албатта, шу кунларда кўпроқ падали бузрукворининг: “Сен ҳалол ишла, виждонли бўл, адолатпарварлик байроғинг бўлсин, асосийси, Қонун йўлигини ёритувчи маёқ бўлсин. Ана шунда сени халқ танийди, отасига раҳмат, дейди”, деган ўғитлари қўлғим остида жаранглаб турибди, — деди “Куч адолатда” адвокатлик фирмаси раҳбари Хайрулло Намозов.

1980 йилда Тошкент давлат университетининг юридик факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб келган ўғли билан фахрланган Ғани бобо ва Муборак ая меҳнатсеварлик ва камтаринлик инсон безаги эканлигини фарзандлари қалбига сингиргани боис Хайрулло Намозов илк иш фаолиятини Ромитан туманидаги Менделеев номи мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Айнан шу қадамлар унинг иш фаолияти давомида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.



1990-1995 йиллар Бухоро шаҳар Файзулла Ҳўжаев номи туман суди раиси, 1995-2000 йилларда Тўқимачилик туман суди раиси, 2000-2005 йилларда Когон шаҳар суди раиси, 2005-2009 йилларда Когон туман суди раиси лавозимларида ишлади. Суд раиси сифатидаги фаолияти хронологиясига эътибор қаратсангиз, Хайрулло Намозов юзлаб инсонлар, турли жиноятларни содир этган жиноятчилар устидан ҳукм чиқарди.

— Бир умр “Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан”, деган қасамёб шоримга амал қилиб ишлаганман. Меҳнатларим, хизматларим қадр топган инсонман. “Жасорат”, “Шуҳрат” медаллари, “Ўзбекистон Мустақиллигининг 5 йиллиги”, “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” каби ўнлаб эсдалик нишонлари соҳибиман. Мамлакат Президенти имзоси билан берилган олий медаллар шунчаки мукофот эмас. Аммо 2016 йилда бошимга ташвиш тушиб қолди, — деди суҳбатимизга қўшилган вобкентлик меҳнат фахрийси Бозор ота Рамазонов. — Ички ишлар тизимидан нафақага чиққанимдан сўнг 19 йил Вобкент туманидаги “Вобкент” маҳалла фуқаролар йиғинида раис бўлиб ишладим. Қонуларни билганим боис ҳақ-ҳуқуқимни ҳам, бурч ва мажбуриятимни ҳам яхши англай-



ман. Ҳақиқат, адолат томонидаман. Шунинг учун ҳам тўхмат тошига нишон бўлгандим. Ҳуқуқимни ҳимоя қилиш учун асосли фактлар билан тегишли идораларга мурожаат қилишимга тўғри келди. Ана шундай оғир аҳволда қолганимда, “Куч адолатда” фирмасининг адвокати Хайрулло Намозов ҳақида эшитдим. Узоқ йиллар турли ҳудудларда суд раиси бўлиб ишлаган Хайрулло Намозов ҳимояси остида оқландим. Ҳолбуки, тўхмат ва ёлгон, сохтакорлик билан тўлдирилган жиноят иши ичидан ҳақиқатни рўёбга чиқариш осон иш эмас эди. Унинг учун адвокатдан катта тажриба, билим ва салоҳият талаб этилади. Камтарин, самимий, виждони пок инсон сифатида Хайрулло Намозов оиламиз учун жуда қадри, — дейди дуоға қўл очган Бозор ота.

Ҳар бир ҳукми ўқиганида, инсон жиноятчи бўлиб тўғилмаслиги, унинг ортида онаси, оиласи, қолаверса, бегуноҳ фарзандлари борлигини бир дақиқа ҳам унутмаган Х.Намозов адвокатлик фаолияти давомида ҳам инсонпарварлик ва адолат таъминлаш чегараларида қонун талаби доирасида иш қўришни фаолият мезони деб билади.

Хайрулло Намозов турмуш ўртоғи, олий тоифали ўқитувчи Ёқутхон Қудратова билан икки ўғил, икки қизни маҳалла-қўй ҳавас қиладиган даражада илмли, маънавиятли, эл қорига елка туттишга қодир шахс қилиб улғайтиришди.

Хайрулло Намозов яқинда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги 2011-сонли қарорига асосан “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан мукофотланди. Меҳнатсеварлик ва камтаринлик, ҳалоллик, адолатпарварлик барибир исиз кетмас экан. Аксинча, зулм ва ҳақиқатнинг юзига оёқ қўйиш эртадир кечдир жавобсиз ҳам қолмас экан. Буни ҳаётда қўриб келаяпмиз.

Фарзандлар, неваралар, атрофингдagi яқинларинг, дўсту биродаринг, ҳамкасбларинг, устоз ва шогирдларингга қараб ўтган, ўтаётган умринг мазмунини янада теранроқ англайсан киши. Бундан ортиқ бахт борми дунёда?

Моҳира ШАКАРОВА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

НУҚТАИ НАЗАР

ЖАМИЯТНИНГ ЯШИРИН ДУШМАНИ

Коррупция бу — жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган дахшатли иллат. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва инсонлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи жиноятларнинг гуллаши учун шароит яратиб беради.

Нимага айнан “яширин душман” деб таърифлаймиз? Негаки, коррупциянинг хавфлиги шундаки, бу иллат фақат моддий манфаатдангина иборат эмас. У жамиятдаги ишончсизлик, бюрократия, адолатсизлик, ижтимоий тенгсизлик ва назоратнинг сустлиги натижасида вуҷудга келади. Масалан, агар фуқаро давлат идораларидан хизмат олишда қийинчиликларга дуч келса, у муаммони “тепадан ҳал қилиш” йўлини излайди. Бу эса тизимни ичидан емира бошлайди. Айнан шу сабабли ҳам, коррупция тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган жиддий хатарлардан биридир.

ИМКОНИАТ

Фаргона давлат техника университетида битирувчилар бандлигини таъминлаш ҳамда абитуриентларни олий таълимга жалб қилиш мақсадида “Карьера ва очик эшиклар куни” бўлиб ўтди.

Тадбирда университет ректори Ў.Саломов сўнгги йилларда ҳар бир олий таълим муассасаси битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича алоҳида тизим шакллантирилаётганлигига тўхталиб ўтди. Шунингдек, мазкур тадбир орқали талабалар, битирувчилар, иш бевуричлар ва кадрлар агентликлари ўртасида очик мулоқот майдони яратилганини ҳам қайд этди.

Давлатга хиёнат қилиб, жумладан, ўз лавозимини суиистеъмол қилиб қингирликдан қайтмаётган мансабдор шахсларни ҳам ўз вақтида тўхтатиш, тегишли тартибда жавобгарликка тортиш оқилона йўлдир.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”. Кейинги пайтларда мамлакатимизда коррупцияга қарши беаёв кураш эълон қилинган. Ушбу курашда нафақат давлат, балки жамият ҳам қатнашиши лозим. Кўп ҳолларда коррупцияга қарши курашишни фақат ҳукумат органларининг вазифаси деб ҳисоблашади. Аслида эса, бу жамиятнинг ҳар бир аъзоси: оддий фуқаро, ўқитувчи, шифокор, тадбиркор — ҳамма ўз ҳиссасини қўшиши керак бўлган умумий курашдир. Чунки коррупция ҳолатларини камайтириш кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Энг самарали ён-

дашувлардан бири — инновацион ёндашув. Масалан, сунъий интеллект ёрдамида коррупциявий хатти-ҳаракатларни аниқлаш, блокчейн технологияси орқали давлат маблағларининг ҳаракатини кузатиб бориш, ижтимоий тармоқларда фуқаролик назоратини қучатириш — булар замонавий жамият учун самарали воситалардир. Дарҳақиқат, инновацион ёндашувлар, технологик имкониятлар, очкилик ва фуқаролик назоратини қучатириш орқали биз коррупцияга қарши самарали тизим яратишимиз мумкин. Зеро, коррупцияни жиловлash — тараққиётимиз, адолат ва ҳалоллик устувор бўлган келажак сари ташланган муҳим қадам.

Йўқса, моддий манфаат, таниш-билишчилик, турфа гирром уйинлар туфайли адолат, ҳақиқат мезонлари поймол бўлаверади. Буни истамаган миллат — унга қарши курашмоғи шарт. Зеро, бошқа йўл йўқ.

Дилноза ИСАНОВА,
Ўсимликлар карантини ва
ҳимояси илмий тадқиқот институти
бош юрисконсулти.



ТАЛАБАЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ

“Карьера ва очик эшиклар куни” орқали етти юздан зиёд талаба ишга жойлашиш учун йўлланма олди

Мазкур тадбир икки қисмда ташкиллаш-тирилди. Биринчи қисмида “Очиқ эшиклар куни” доирасида мактаб битирувчилари университетда талабаларнинг сифатли таълим олишлари учун яратилган шароитлар билан танишдилар. Унда Фаргона вилоятида мавжуд 70 дан ортиқ умумтаълим мактаби ва техникумларнинг 2 минг 300 нафардан ортиқ битирувчилари иштирок этишди. Шунингдек, университетнинг муҳандислик таълими йўналишида тахсил олувчи юқори курс талабачи мутахассислик фанларидан якуний назорат ишларини лойиҳа кўринишида мактаб битирувчилари ва университет мутахассислари иштирокида ҳимоя қилишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми “Карьера куни”га бағишланиб, унда университет битирувчи курс талабалари иштирок этиб, ишлашга эҳтиёжи бўлган бир ярим мингдан ортиқ талаба-ёшлар турли корхона-ташкилотларда тақшил этиладиган суҳбатда қатнашиш учун рўйхатдан ўтказилди.

— Университетимизда ҳар йили анъанавий тарзда меҳнат ярмаркаси ташкил этилади, — деди енгил саноат ва тўқимачилик факультети талабаси Мадина Маъмурова. — Ушбу ярмарка биз, талабалар учун катта имкониятлар эшигини очади. Бу йилги тадбирда тенгдошларим қаторида мен ҳам ўз мутахассислигим бўйича доимий иш ўрнига эга бўлдим. Ҳозирда вилоятимиздаги етакчи ва нуфузли корхоналардан бири — “Наримтекстил” МЧЖда ўз соҳам бўйича ишга жойлашганимдан беҳад

мамнунман. Бу каби амалий имкониятлар биз ёшлар учун катта рағбат, келажакка ишонч бағишлайди.

Ярмаркага 120 дан ортиқ ташкилот, корхона ва тадбиркорлик субъектлари жалб қилинди. Талабаларга шаҳар ва туман бандликка кўмаклашиш марказлари ўзларининг мингдан ортиқ бўш иш ўринларини тақлиф этишди.

Ярмарканинг ўзида 278 нафар талаба ишга жойлашди ва 700 нафардан ортиғига ишга жойлашиш учун суҳбатга йўлланма берилди.

Шоҳсанам ЭШМАТОВА,
Фаргона давлат техника университети
матбуот котиби.

МУЛОҲАЗА

БИРИНЧИ ВОҚЕА:

Бир донна бошоқни топиб олган ҷумоли уни минг машаққат билан уйига судраб бораётиб, йўлда каламушни учратиб қолибди.

— Ҳа, оч қолдингми? Меникига бормайсанми, бунақа донлардан бир нечтасини бериб юборардим, — дебди у ҷумолига.

Шунда ҷумоли: “Менга шу бир бошоқ дон ҳам етади. Чунки мен яшаш учун овқатланаман, сенга ўхшаб қорин тўйдириш учун яшамайман”, — деб жавоб берган экан.

ИККИНЧИ ВОҚЕА:

Отақул Жумаев қишлоқнинг олд йигитларидан эди. Нима бўлди-ю, бир гуруҳ қишлоқдошларини олиб Россияга ишга кетди. Уша ерда қурилиш ишларида гастарбайтер, яъни даллаллик қилиб, анчагина сармоа тўплади. Жамғарган пулларни эвазига қишлоқдан дангиллама иморат қурди, қўша-қўша машина сотиб олди.

Аммо кунлар ўтиб, бу ишларнинг миси чиқди. Унинг уйига қўшни қишлоқлардан бир гуруҳ йигитлар келиб, хорижда ишлаган пулларини талаб қилишди. Аниқланишича, Отақул мусофири юрда малласоқ “оғайни”лар билан тил бириктириб, ўз юртдошларининг ҳалол меҳнат, минг машаққат билан топаётган пулларга кўз олайтирган, уларни ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган экан.

Жанжал нима билан тугатганлиги номаълум. Фақат эндиликда Отақул инсулът олганлиги туфайли бир оёқ, бир қўли ишламайди-ган, зўрга гапирадиган ногирон бўлиб қолган. Ҳашаматли дарвозаси олдида кўчадан ўтаётган одамларни томоша қилиб, уйга ҷўмиб ўтирганини кўп кўраман.

УЧИНЧИ ВОҚЕА:

Яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида шов-шувларга сабаб бўлган бир иш қўриб чиқилди. Бу гал қора курсида ўтирганлардан бири — уюшган жиноий гуруҳнинг бошлиғи, ички ишлар ходими, яъни профилактика нозириси эди...

Маълум бўлишича, профилактика инспектори лавозимида ишлаб келган Алоқиддин Тўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2017 йилнинг август ойидан 2018 йилнинг июнь ойигача жиноий шериклари билан олдиндан

ФИЛДИРАК ИЧИДАГИ ОЛМАХОН

ёки нафснинг чексиз йўли



тузилган режа асосида бировнинг номусига теҳканлик айбини қўйиш орқали фуқароларга таҳдид қилиб, мунтазам равишда тамағириқ билан шугулланиб келган.

Мўмай даромад топиш мақсадида у 2018 йил феврал ойида ўзи ва ўртоғи Дилмурод Тугалов билан биргаликда уюшган жиноий гуруҳ тузиб, унга Шахноза Т., Муниса Т., Дилнурса Т., Фарида Н., Луиза Ж., Феруза Т. исмли аёлларни жалб қилган.

Аёллар Пастдарғом туманидаги Кимё заводи атрофида ва Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар қўргони ҳудудида эркакларнинг “кўнглини хушлаш”ни тақлиф қилиб, уларни Дилмурод Тугалов истикомат қилиб келган дала ҳовлига ёки унинг хонадонига алдаб-авраб олиб боришган.

Улар эркаклар билан ихтиёрий равишда жинсий алоқада бўлганидан сўнг, ўзаро келишувга биноан, телефон орқали шерикларига хабар бериб, номуслига тажовуз қилинганлиги ҳақида ички ишлар органларига арз қилиш билан жинсий алоқада бўлган шахсларни қўрқитиб уларга таҳдид қилганлар.

Алоқиддин Тўраев тузоққа тушган шахсларга қонуний чора қўриш баҳонасида уларни хизмат хонасига олиб бориб, у ерда “тасодиқий ошик”лардан ишқий можарони “ёпиш” учун 1000 АҚШ долларидан 2000 АҚШ долларигача ёки 20 миллион сўмгача бўлган пул маблағини мунтазам равишда олиб турган.

Суд ҳукмига кўра, ички ишлар ходими Алоқиддин Тўраев Жиноят Кодексининг қатор моддалари асосида айбли деб топилиб, 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг жиноий шериклари ҳам 5 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиндилар.

Ҷумоли ва каламуш, Отақул даллал ҳамда зинокор гуруҳнинг бир-бирига нима алоқаси бор экан, дерсиз? Тўғри пайқаганингиздек, юқоридаги воқеаларни бир-бирига “нафс” деган балои азим боғлаб турибди. Дарҳақиқат, ҳозир айрим одамлар молпарастлик, истеъмолчилик кайфиятининг қўли бўлиб қолган, “яхши яшаш — тўйиб ейиш ва пўрим қийиниш, шоҳона уй, қўша-қўша машинадан иборат” деган беъмани ва повни йўқ ғояга қўр-қўрона сиғинмоқда.

Ана шу интилиш эса уларнинг қалбида пул топиш, топганда ҳам кўпроқ топиш басвасасини келтириб чиқаряпти. Айтилмиш, олий билим маскани муаллими пул топиш учун бадавлат оилалардан чиққан талабаларни имтиҳонларда “қийнамай”, пулини олиш илжинда бўлади. Шифокор операция столида ётган беморни эмас, у қанча пул беришини ўйлайди. Туғуруқхона ҳамшираси қувончдан эсанкираб қолган отани ишлш ниятида бўлади. Мактаб муаллими эса болаларнинг ота-оналарига синфга ҳали уни оламиз, буни оламиз, деб чопар жўнада бошлайди.

Пул топиш учун баъзи бировлар ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳалол ва ҳаромни ажратмайдиган, гуноҳлардан қўрқмайдиган даражага боришяпти. Пул топиш дарди уларни китоб ўқиш, қуқур билим олиш, маърифатини ошириш, маънавиятини бойитиш каби энг зарур ишлардан узиб қўймоқда, буларга ажратилиши керак бўлган вақтни кемирмоқда.

Бундан ташқари, бундай истеъмолчилик кайфиятига зўр бериш орқали инсон онгини ҳар мақомга солиш имкони пайдо бўлади. Чунки жоҳил, нодон, қолоқ ва оми одамларни алдаш ҳам, бошқариш ҳам осон кечади. Шу ўринда цирк майдонида гилдирак ичида чопаётган олмахон беихтиёр хаёлга келади. Эътибор қилган бўлсангиз, олмахон манзилга етиш мақсадида тинимсиз қаповаради, аммо гилдиракнинг охири чегараси бўлмагани сабабли олмахон асло мақсадига етолмайди. Чунки гилдирак яна айланиб унинг оёқлари тагидан ўтаверади. Юқоридаги кишиларнинг фикри-қирқи ҳам ҳозирда ана шу гилдирак ичида чопаётган олмахон каби “яхши яшаш”, бунинг учун кўпроқ пул топиш, пул топиш учун эса маънавий дунёсини, имонини бой бериш каби беҳуда пойгада ғолиб чиқиш бўлиб қолган.

“Дунё ҳар қандай одамнинг эҳтиёжларини қондира оладиган даражада имкониятдир, аммо инсоний очкўзлики қондиришга унинг

кучи етмайди”, деган экан Ҳиндистоннинг улуг мутафаккири ва давлат арбоби Махатма Ганди. Аллоҳ таоло инсон танасини яратганидан сўнг, унга ўз ризқи, ўрнини топиши учун қўл, оёқ, кўз, бурун, қулоқ каби аъзоларни ҳам бериб, унга ҳаёт бахшида этади. Айни пайтда ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун инсонга нафс ҳам беради. Нафсини жиловлash, танасидаги аъзоларини тўғри бошқариш учун эса Яратган одамзодга Ақл ато этади. Демак, кимки ақлини тўғри ишлата олса, нафсини жиловлай билса, тана аъзоларини тўғри бошқара олсагина бу синов дунёсининг барча машаққатларини енгиб ўтиб, саодат, бахтли ҳаётга эришаркан.

Дунёнинг барча лаззатларидан тезроқ ва кўпроқ фойдаланиб қолишга уриниш, ўзидан бошқани уйламаслик, маънат қорин ғами билан яшаш эса инсонни фақатий таназзул сари етаклайди. Маънавий таназзул урчиган жойда эса танбаллик, манкуртлик илдиш отади.

Яна бир гап. Ҳозирда аксарият ота-оналар фарзандларини кўпроқ ҳуқуқ-тартибот соҳасига ўқийша қиришини хоҳлайдилар. Чунки эгннда поғони борлар тўкин-сочин ҳаёт кечираётганини, қўлларини қаерга узатса етишини қўриб туришибди. Шунинг учун ҳам мактабни зўрга битирган ўғлини ички ишлар идораларига жойлаштиришга интилишади.

Эътибор қилган бўлсангиз, бундан 15-20 йил аввал деярли кўпчилик шундай фикрлай бошлаган эди. Ўғли ёки қизи мактабни битирар-битирмас, уни бирорта хорижий давлатга ишга юбориб, мўмай пул топишга ундарди. Ҳозирга келиб аҳвол анча ўзгарди. Болалар, ёшларнинг қўлига китоб қайтапти. Билимли, иқтидорли йигит-қизлар эл-юрт эътиборига, Президентимиз назарига тушапти. Демак, замон ўзгаряпти.

Аммо ҳали-ҳануз ҳашамдор дарвозаси ёнида одамлар оқимини кузатиб ўтирган Отақулни, бир донна бошоқни судраб кетаётган ҷумолини қўрсам ёки нафс гирдобига тушиб қолган одамлар ҳақидаги гапларни эшитсам, ҳаёлимга негадир яна ўша манзара — гилдирак ичидаги олмахон келаверади...

Ёрмамат РУСТАМОВ

ИЖОД ЧИРОҒИ

ЮЛДУЗ БЎЛИБ СЎЗ ЁНАДИ...

Ҳар ўлканинг, ҳар юртнинг тимсолига, юз-кўзига айланган шоирлар бўлади, худди Хоразмда Матназар Абдулҳаким бўлган каби. Сурхоннинг шоир тимсоли Шафоат Раҳматулло Термизий эди. Бетакрор шоиримизнинг табиатида Сурхон юртининг ҳавасию, тупроғию, кўешию, осмоню, ер-сувию, тоғларию, уфқлари яққол кўриниб турар эди. Тирик сатрлари об-ҳавосида сурхонча изғирин, афғонча тўполон ҳам яшайди.

...Мақтабимиз. Ўзбек тили ва адабиёти фани кабинети. Тўрт девордан Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Қаҳҳор, Зулфия виқор билан биз, дунё билан иши йўқ ўқувчиларга қараб туради. Уларнинг офтобли нигоҳлари бир ўсмининг юрагини, пальто ичидаги вужудини қиздиради. Портретларнинг тагида тўрт қатор-тўрт қатор шеър. Кейин газетага ўхшаган иккита плакат – босмахонада босилган. Бирида Сурхондарёдан чиқиб, республикада танилган – Шукур Хопмирзаев, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Нодир Норматов тўғрисида қисқа маълумотлар. Улар ҳам оқ-қора суратлардан ўқтам назар ташлайди: бошқа плакат – “Сурхондарё ижодкорлари”. Ундан Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Болта Ёриев, Шафоат Раҳматуллаев... эски полдан, оёқ кийимларига ёпишиб дарсхонага кириб келган тупроғу лойдан кўтарилган чангу ғайор тумани аро бир синф тўполончи болага ҳайрон-ҳайрон қарайди.

Дафъатан сочлари елкасига тушган Шафоат Раҳматуллаев “Сурхондарё ижодкорлари”дан чиқиб, юраги тошган бола билан мактаб боғига чиқиб кетади. Боғ дейилгани қисиниб-қимтиниб кўкка интилаётган, ўқувчи болалар сингари паст-баланд ўсмир, озгин ниқоллар, қаноти синган қушлардек лойга тушган япроқлар ҳамда иккита эгри-қийшққ ўриндик. Боланинг қўлида шоирнинг ўша пайтларда маълум ва машҳур бўлган қора муқовали юпка китоби. Титилиб кетган. Китобда “Оху” бор. Оху китобдан чиқиб, болани янги, нотаниш кенгликларга олиб қочиб кетади. Бирга тоғлару боғларни ўтиб, ҳаёплару кўнглиларни кечиб, ҳамнафас кеза-кеза, ишқ, муҳаббат ҳудудларига кириб қоладилар. Чиройли, гўзал жонивор болани

ташлаб кетмокда узо-оқларга. Болакай “оҳ... ох...” деб қақиради, чопади, интилади, оху “оҳ, у... оҳ, у...” деб нола чекади. Бу нола жудаям маҳзун қўшиққа, дилга изтироб бовурини соладиган ойдин дostonга ўхшайди...

Ўша йилларда Шафоат Раҳматуллонинг “Оху” дostonи тиллардан тушмасди. Ундан ҳеч бўлмаса бир-икки катта-кичик парча билмайдиган адабиётсевар йўқ эди, ишонаверинг!

**Тиниқ суени сачратиб ҳар ён,
Кийимлари томон чопди қиз.
Кийимларин эмас, шу замон
Бир сиқимча кулин топди қиз...**

Ёки:

**“Эй азим тоғ, эй буюк қоя,
Мени ўзинг қилгил ҳимоя.
Қўлла, менинг устимга кула,
Жудо қилгил жондан бир йўла.
Ё махлуққа айлансан таним,
Ўзинг бўлгил уйим, ватаним.
Остонангда ётган бекафан,
Бир ожизман, паноҳ сўрайман”.**

Қандай тотли жилға-оҳанглар...
Биз дарсларда ёд олган:

**Деди: недур сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлиқ ҳамеша**

деган ёмби сатрларнинг таассуротини дилга, ёдга солади, руҳга олиб қиради. Оловқалб шоирларимиз Усмон Носир, Ҳамид Олимжон сатрларидек қуйма, ҳиссиёти тизгинсиз Александр Пушкиндан ўтирилган “Боғчасарой фонтани”, “Кавказ асири”, бўронқалб Михаил Лермонтовдан таржима қилинган “Демон” (“Иблис”) каби буюк дostonлар ва шеърларнинг майин ва жўшқин шивирү штирларини қалбларда уйғотмайдими. Яратганининг мўъжизаси бўлган Сангардак шаршарасининг сирли ва махфий ва рубобий пичирларини дилларга мастона-мастона олиб қирмайдими ушбу оҳанглар?

Мен Шафоат ака билан кўп яқин, кўп ҳамсухбат бўлмаганман, кўп кўришмаганмиз.

Ҳаёт шуни менга раво кўрган. Фақат бир марта, шоира Раъно Узоқованинг 90 йиллигида пойтахтдан борган бир гуруҳ ижодкорлар билан бирга аввал Термизда, кейин Деновда ўтган учрашув-тадбирларда учрашганмиз. Деновда одми бир меҳмонхонада бир кеча ҳамхона бўлдик. Шафоат ака ўшанда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари лавозимида фаолият юритарди. У мезбон сифатида иззатли меҳмонлар билан андармон, уларнинг кош-қовоғига қараган. Шунга қарамасдан, биз воҳа адабий муҳити, умидли, истиқболли ижодкор ёшлар хусусида ва яна кўп ўтган-кетган воқеа-ҳодисалар тўғрисида гаплашиб ўтирганмиз. Музтариб қалбли Шафоат шоир Сурхондарё ижодкорларининг байроқдорлари Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаровнинг шахси ва ижоди, Сурхон қуёшида пишиб, тобланиб етилаётган ёш шоирлар хусусида дилдан гапирди. Толиққанди, лекин билдиргани йўқ. Ёддан шеърлар, айрим шеърлардан сатрлар ўқиди, ўлмас дostonлардан парчалар айтди.

Ростини айтсам, ҳамхоналигимиз шу даражада эдики, Шафоат ака эмас, мен узун кун иссиғида қизгин ўтган илмий-адабий анжуманлар якунидаги сурхондарёча меҳмондўстликдан жудаям сархуш ва мамнун, ўзим билан ўзим эдим.

Шафоат Раҳматулло Термизий Яратган шоирлик фазилатлари-ю, белги-аломатлари билан беармон сийлаган, халқ ичидан чиққан, ҳақиқий халқ шоири эди. Ўқтам ва кўркам қалб эгаси эди. Улуғ санъаткорга хос шоирлик гурури, фазилатлари, ожизликлари, бахту бахтсизликлари кам-кўстсиз мужжасам эди у кишида. Ҳа, у чин Санъаткор эди.

Улуғ адибимиз Асқад Мухторнинг “Инсонга қўплуқ қиладурмен” сарлавҳали ҳикояси бор. Ҳикоя Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ҳақида. Катта юриш чоғида қўшинлар йўл устидаги қўллаб шахру кўрғонларни забт этиб боради. Анчайин манзил – Гилкўрғон эса тошён-ғокдек қақилавермайди. Уни ҳимоя қила-қила бир элатдан бир ҳовучгина одам қолади, уям бўлса қари-қартан. Ёнғоқ чақилганда қариялар қуршови ва ҳимоясида бир ўсмир бор эди. Соҳибқирон, бу норасида кимдур, деб сўраганларида, мўйсифидлар, бу Оллоҳ муруввати

ва шаҳодати билан бизнинг бўлғуси шоиримиздур, деб жавоб берадилар. Биз уни ҳимоя қилиб кўп марду фидокор ўғлонларимизнинг, фарзандларимизнинг жонларини қурбон қилдик, битта қолмай қирилсак ҳам уни асраб қоламиз, дейдилар. Ўсмир қиёфасида, ёш шоир тимсолида бутун бир элу элатнинг орзу-умидини, истиқбол ва иқболини кўрган жаҳонгир ўсмирни ҳам, унинг ҳимоясида мардона турган қарияларни ҳам Соҳибқиронга хос беқиёс сазоват ва марҳамат билан сийлайдилар. Шоирнинг элига эл, юртига юрт, давлатига давлат қўшиб берилди.

Шафоат Раҳматулло Термизий, назаримда, ана шу чигит-шоирга ўхшайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг чуқур инқироzi, бутун ўлканинг, жумладан, воҳанинг ҳоризм томонидан истило қилиниши, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ та-лотўпу қирғинбаротлар, миллий-озодлик ҳаракати, миллий камситилиш ва қатагон даври, мустабид тузум ўнийилликларининг гирдоб ва гирдибодлари ўз шоирини яратди ва саҳнага олиб чиқди.

Бу шоир – Шафоат шоир эди.

Шафоат Раҳматулло чигитдан чинорга, адабиёт, шеърят чинорига айланган ҳамда сўз-япроқлар билан элга, юртга соя берган бир шоир бўлди, бир шоир бўлди... Сурхон халқининг қудратли овозига, мардона қалбига айланди. Унинг сўз хазинасидан, шеър ганжинасидан ақалли бир бор дуру жавоҳир териб кўрганлар бу фикрга амин бўладилар, деб ўйлайман. У, шоир қандай бўлиши керак, деган саволга, Шафоат Раҳматулло Термизийдек бўлиши керак, деб жавоб берса бўладиган даражада тоза Шахс ва тоза Шоир бўлди.

У бу ёруғ оламдан ўтганда ҳатто Шеърнинг ўзи ҳам бўзлаган эди:

О, ўтди-я, бу оламдан шоир ўтди...

Шоирлар келадилар ва кетадилар. Шеър эса қолади.

Худо раҳматига олгур Шафоат Раҳматуллонинг ижодий бисотида хайёмон, румиёна, қадимий асл тоза шаробдек оби-тобига келган ўткир рубойлар, маснавийлар кўп, мана улардан бири:



**Сиртимга қараб сиз чиқарманг ҳукм,
Билмасдан дилимда нималар ҳоким.
Даврада вақт деган бир донишманд бор,
У ҳали айтади сиз киму мен ким.**

Ҳа, вақт деган донишманд Шафоат Раҳматулло Термизийнинг чин шоирлигини айтади. Айтди!

Шоир ёққан шеър чироғи асло ўчмагай...

ШОИР ЁҚҚАН ШЕЪР ЧИРОҒИ

**Икки тордек қилар нола
Амунинг икки қирғоғи.
Тун қўйнида ўтли лола –
Шоир ёққан шеър чироғи.**

**Кўксини чок этар булбул,
Гулни кўриб саҳар чоғи.
Шу меҳнаткаш қуёш мазлум –
Шоир ёққан шеър чироғи.**

**Умр шоми эмас маълум,
Ой – осмоннинг ҳасрат доғи.
Шу меҳнаткаш қуёш мазлум –
Шоир ёққан шеър чироғи.**

**Амударё тўлғонади,
Яшилланар сўлу соғи.
Фалакда юлдуз ёнади –
Шоир ёққан шеър чироғи.**

Салим АШУР,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист,
шоир.

ШЕЪРИЯТ

Тупроғинг кўзимга сурмадай суртсам

ДИЛИМГА ЖО НОМИНГ

Она юртим, танти, сахий диёрим,
Бахтиёр қизинман, тилда алёрим,
Камол топдим сенда, сўлим масканим,
Тоғлар қадар кўнали хушнуд ўсганим.
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

Тиз чўкиб пойингга ураман бошим,
Дўстларга тортиқдир қозонда ошим,
Бағрингда оқмагай кўзлардан ёшим,
Қудратда тенгесизсан, ой-у қуёшим.
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

Турфа миллат яшар азалий иноқ,
Бир-бирига ҳамдам, аҳил дўст, ўртоқ.
Хусумат бегона, бўлмаслар тарқоқ,
Меҳнатга, қўшиққа, билимга чанқоқ,
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

Ўзбекми, тожикми, ёинки татар,
Қирғизми, қозоқми, билмагай хатар,
Немисми ё русми яхшилик тилар,
Равнақинг йўлида жонин ҳам тутар.
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

Тупроғинг кўзимга сурмадай суртсам,
Боримни қўшқўллаб арзийди тутсам.
Аллоҳ меҳри тушган бебаҳо юртсан,
Туғанмас хазинам, барака-қутсан.
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

Киндик қоним томган азиз диёрим,
Қабул эт ҳурматим, қалбимда борим,
Гуллайвер, яшнайвер, Ватаним, жоним!
Тоабд сен менинг шавкатим, шоним,
Гуллаган диёрим, гўзал бўстоним,
Дилимга жо номинг, янгароқ дostonим!

ИСТИҚЛОЛ

Қалбимнинг қатида янгарар бир наво,
Ёр-ёрдан ўзгача, алладан бўлак.
Вужудим яйратар тонгги соф ҳаво,
Айтиладек гўё илоҳий тилак,
Истиқлол таратган хуш наводир бу,
Кемтиқ диллар учун эм-даводир бу!

Борлигим чуллаган ажиб бир ифтор,
Демак уни ўша сирли мушк-анбар.
Бўйи муаттарда ўза бир ҳид бор,
Ундан анқир гўё субҳи санобар.

Ўқтамхон АКБАРОВА



Муаллиф ҳақида:
Ўқтамхон АКБАРОВА — Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги Буйрак қишлоғида туғилган. 1976 йили тумандаги 1-ўрта мактабни битириб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетида таҳсил олган. Иш фаолиятини туман радиосида, кейинчалик туман газетасида, маҳаллий телевидениеларда олиб борган. 2018 йилдан буюн Данғара тумани ҳокимлигининг “Данғара” газетаси бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатмокда. Бир неча шеърый китоблар муаллифи.

Қизим, бўй етганда ёнингда туриб,
Сирларингга шерик бўлолмадим мен.
Ўғлим, олисдасан, соғинчине ўртар,
Она бўлиб ҳабар ололмадим мен.

Хўснимдам, беш қизга онасан бу кун,
Юмушларинг қайнар, ололмадсан тин.
Кўмак беролмасдим ўзимдан ортиб,
Болам, онагинанг урди нима жин?

Уйда-ку кам бўлдим, ишладим мудом,
Ижод заҳматидан танчим бемажол.
Ёлғиз ташлаб қўйдим сени, Ҳилолим,
Вақтим бўлмади-да, ахир бемалол.

Кўрар қўзим, олов, ишў юлдузларим,
Томиримда оққан қайноқ қонимсиз.
Тунга айланади сизсиз кунларим,
Нима бўлганда ҳам менинг жонимсиз!

ХОТИРА



Жорий йилнинг 15 майида Шарқий Қозоғистоннинг Усть-Каменогорск шаҳар вилоят кутубхонасида бўлиб ўтиши режалаштирилган ҳассос, атиги 35 йил умр кўрган марҳум шоир Чори Аваз хотирасига бағишланган тадбирга тақлиф этилдик.

14 май куни аввал Олмаотага, ундан Усть-Каменогорск шаҳрига учдик. У ерда вилоят кутубхонаси директори ўринбосари Меруерт хоним Кемешева бошчилигидаги бир гуруҳ дўстларимиз пешвоз чиқишди. Эртаси куни биз меҳмонлар — “Фаввора” киностудияси раҳбари Келдиёр Ҳўжааёзов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Сирожиiddин Рауф, шоирнинг қизи, халқаро журналист, шоира Гули Нигор Авазова, шоирнинг набираси Меҳри Нигорни улуғ рус шоири Александр Пушкин номидидаги кутубхонанинг мажлислар залида бўлиб ўтадиган тадбирга бошлаб боришди.

“Чори Аваз: сўзи мангу шоир” деб номланган ушбу тадбирни вилоят кутубхонаси директори Назимгул Эрназар қизи олиб борди ва шоирнинг адабий мероси ҳақида қисқача нутқ сўзлади. “Фаввора” киностудияси томонидан ишланган “Чори Авазнинг яшил йўли” номли ҳужжатли қисса намойишидан сўнг шоирнинг қозоғистонлик мухлислари унинг ижодидаги шеърлар ўқишди. Бундан ташқари, кечада икки қардош халқ вакиллари шоирнинг шеърларидан парчалар ўқиб, унинг бой ижодий мероси ва ҳаёт йўли ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Учрашув якунида шоир, драматург ва Ўскемен шаҳар депутати Аскерхон Ақтай сўзга чиқиб, Чори Авазнинг қозоқ тилига ўзи ўтирган шеърларидан ўқиб берди. Ку-

тубхона жамоаси узоқдан ташриф буюрган меҳмонларга ҳадя ва совғалар топширди. Кеча меҳмонлари ҳам ўзлари билан олиб келган китобларни кутубхона фондига тақдим этишди. Бу кеча икки қўшни миллатни янада бир-бирига яқинлаштирган, қалбларни шеърят орқали боғлаган адабий учрашувга айланди. Тадбирдан сўнг қатнашчилар эсталик учун суратга тушишди, шоир руҳига эҳтиром кўрсатилди.

Сўз — унутилмас, шеър — ўчмас. Шоир Чори Авазнинг абадий сўзи халқлар қалбидида яшашда давом этаверади. Ўзаро биродарлик, қон-қардошлик давом этаверар экан, юракларда шеър қуюлиб келаверади:

Юрак кенгликларда сайр этди
Тўрт кун,
Меҳр қанотида қўқларга учдим.
Бовури бағрида ястаниб бутун,
Осмонга айландим, самони кўчдим.
Сиз менинг жонимми, жоним бовури,
Қонингиз қонимми, қоним бовури.
Сиз менинг Абайим, ўлмас Ўлжасим,
Назм осмонида порлаган юлдуз.
Сиздан келиб турар оташин насим,
Шу насим қалбимни этади кундуз.
Кўнелингдан бу кўнглим сув ичар,
Қардош,
Сен десам, юрагим ёришар, қардош.

Оскемен, кетдимми, қолдимми, билмам,
Қалбимни қалбингга боғлаблар кетдим.
Иртиш дарёсининг қирғоқларида
Рухим дунёсини доғлаб-ла кетдим.
Сиз менинг жонимми, жоним бовури,
Сиз менинг қонимми, қоним, бовури!

Зебо ОМОНОВА

ШУКУХ

ҲАЁТ ГУЛЗОР БЎЛМАС,
УСТОЗ БЎЛМАСА...

“Сўнгги кўнғирок” тадбирларини кузатиб...

Жаранглайди сўнгги кўнғирок!
Мактабларда жаранглайдиган кўнғироклар бизни ҳамиша ўзига чорлаб туради. Лекин ҳаётда фақат 11 йил бағрида билим олган кадрдон синфларга чорловчи кўнғирокларгина эмас, балки бир ҳаёт кўнғироғи бўлиб, бизни огоҳликка чорловчи бир маёқ бўлиб жаранглайверади... Кўнғирокларни қулоқларимиз эшитганида эса ҳар сафар бир ширин антикиб кўямиз.

Мактабни тугатаётган битирувчиларнинг кўзларидаги ёшни кўриб, кўнгилда бошқача бир туйғулар пайдо бўлди. 11 йил-а! Бу йилларда уларни кичкинагина ўйинқароқлик давридан то балоғат ёшига етгунига қадар мактаб отлиғ улуг бир даргоҳ ўз бағрида улғайтирди. Бу даргоҳларда 11 йилнинг ичида ўғил-қизларнинг кулгилари қолди, соғинчлари қолди. Фақат улар таҳсил олган синфлар уларни кутмайдиган эди. Улар ўтирган парталар уларни эмас, уларнинг изидан келаётган укаларига, сингилларига пиллапоё бўлади...

24 май куни республикамизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Хоразм вилоятида ҳам “Сўнгги кўнғирок” тадбирлари бўлиб ўтди. Ушбу ўқув йилида Хоразм вилоятидаги мавжуд 557 та мактабнинг 9-синфини 35 291 нафар, 11-синфини эса 28 854 нафар ўқувчи тугатмоқда.

Урганч шаҳридаги 22-сонли мактабда бўлиб ўтган “Сўнгги кўнғирок” тадбирида Хоразм вилоят ҳокими Ж.Раҳимов қатнашди ва Президентимизнинг мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг битирувчиларига йўллаган табригини ўқиб берди. Мазкур ўқув йилида воҳада таълим соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида фикр билдирди, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўғил-қизларнинг ўқиш ва ишларига омад тилади.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда бир гуруҳ аълоли ўқувчилар, ота-оналар ва



Ушбу ўқув йилида Хоразм вилоятидаги мавжуд 557 та мактабнинг 9-синфини 35 291 нафар, 11-синфини эса 28 854 нафар ўқувчи тугатмоқда.

фидойи устозлар вилоят ҳокимининг “Ташаккурнома”си билан тақдирландилар.

Шунингдек, Урганч туманидаги 7-сонли умумтаълим мактабда бўлиб ўтган кечада ҳам фахрий ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, мактабни тугатиб кетган собиқ ўқувчилар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Мактаб директори Ғофуржон Отажонов фарзандлари аъло баҳоларга ўқийётган, жамоат ишларида фаол бўлган ҳамда турли мусобақа ва олимпиадаларда юқори натижаларга эришган ўқувчиларнинг ота-оналарига “Ташаккурнома” ва қимматбаҳо совғалар ҳадя этди.

— 11 йил ўқиган мактабни биттагина “Сўнгги кўнғирок” тадбири ўтказилиши ва ўқув йили якуни билан тугатиш осон эмас. Шу йиллар давомида ўқувчилар камолга етдилар, улғайдилар. Уларни ҳар кун кўнғирок садолари мактабга чорлаб турди. Бугун эса ана шу кадрдон мактаблари билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқдалар. Мен ҳам ўзимнинг синфимдаги ўқувчиларни кузатар эканман, уларнинг кўзларидаги ёш менинг ҳам қалбимга кўчиб ўтгандек бўлди. Мустақил ҳаётларида фарзандимдек бўлиб қолган ўқувчиларимга бахт ва омадлар тилайман, — деди тажрибали устоз Муборак Аллаберганова.

— Мен журналист бўлишни истайман ва пойтахтимиздаги Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида хужжатларимни топширмоқчиман, — деди мазкур мактаб битирувчиси Асалоў Йўлдошева. — Матбуотга жуда қизиқаман. Айниқса, “Hurriyat” газетасини мунтазам ўқиб бораман ва ўқишга кирганимдан сўнг шу даргоҳда тажрибани оширишни ният қилганман.

“Сўнгги кўнғирок” тадбирлари эсда қоларли даражада ҳаяжонли ва шуқуҳли онларга бой кечди.

Оқ йўл, битирувчилар! Ҳаётингиз текис ва ойдин бўлсин!

Феруза ТАНҒИРБЕРГАНОВА

ТАҚДИМОТ

Жамиятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар суръати бу борадаги илмий изланишлар самарадорлигининг янада ошишига замин яратди. Истиқлол даврида қўллаб-йиждорлар юртимиз тарихи, замонамиз қахрамонлари, шу билан бирга жамият ҳаётидаги айрим иллатлар ҳақида ўнлаб ўқишли асарлар яратди. Эътиборли жиҳати, ўзбек адабиётида таниқли адиб Нурали Қобул томонидан роман-памфлет жанрида илк асарлар дунёга келди.

НУРАЛИ
ҚОБУЛ
САРҲИСОБИ

Ёзувчининг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида хикоя қилувчи “Нурали Қобул қадрияти” тўпламини ана шундай саяё-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Узоқ йиллик изланишлар, кузатишлар ҳосиласи ўлароқ тўпланган мақолалар ўқувчида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Академик, адабиётшунос олим Бахтиёр Назаровнинг “Тарихий ҳақиқат ёғдулари ёхуд ўзликни бадийи англаш” мақоласи сўзбоши ўрнида келган. Шунингдек, ушбу китобдан Матёқуб

Қўшжонов, Озод Шарафиддин, Ашраф Аҳмедов каби машҳур мунаққид, тарихчилар, халқимизнинг севимли адиблари Одил Ёқубов ва Раҳмат Файзийнинг самимий эътирофлари, адибнинг насри, шеърляти, публицистикаси борасида юз нафарга яқин ижодкорлар, турли соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари, илмий тадқиқотлари, турли йилларда адиб билан уюштирилган суҳбатлар, эсселар урин олган.

Яна бир аҳамиятли томони шуки, бу тўпلام адабиётшунос

олимлар, тадқиқотчилар, докторант, магистрант, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳамда ёзувчи ижоди билан қизиқувчи адабиёт ихлосмандлари учун мўлжалланган. Мазкур тадқиқотлар ўзбек адабиётида ёзувчи ижоди бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар базасини янада бойитишга хизмат қилади. Салкам 700 бетдан иборат китоб Гулистон давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Абдунаби Тўйчиев томонидан нашрга тайёрланган. Бу адибнинг ўз ўқувчилари олдидидаги ўзига хос сарҳисобидир.

Куни кеча Гулистон давлат университетиде 75 ёшни қаршилаган адибнинг бетақдор ижодига бағишланган “Нурали Қобул қадрияти” китобининг тақдироти бағишланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Унда юртимиз ҳамда қўшни республикалардан ташриф буюрган адабиёт мухлислари иштирок этди.

Обидахон ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Гулистон давлат университети
профессори,
филология фанлари доктори.

МАҲОРАТ ДАРСИ

“ТАБИАТ ВА ЁШ ЖУРНАЛИСТ”
МЕДИА-ТУРИ

у тўртинчи бор ўтказилди ва самарали бўлди



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, “Халқ сўзи” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири, “Меҳнат шўҳрати” ордени соҳиб Аҳмадали Шерназаров маҳорат мактабининг аънаёна айланган “Табиат ва ёш журналист” медиа-тури тўртинчи бор бўлиб ўтди.

Унда устоз журналистнинг марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган, журналистика олий таълимида таҳсил олаётган ва келажикда шу соҳа бўлича ўқи-ўрганиб, етуқ журналист бўлишни мақсад қилган шогирдлари иштирок этди.

Эътиборлиси, бу йил тўртинчи бор ташкил этилган саёҳат доирасида ҳам бир неча ижодий лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, журналистлар Жумамушкент қишлоғининг ўзига хос табиий гўзаллиги, кимдир “Хўжамушкент ота” зиёратгоҳи тарихи, яна бир ёш журналист эса табиат бағрида дам олиш жараёнида экологик маданиятга риоя қилиш хусусида медиаматериаллар тайёрлади. Шунингдек, ёш ижодкорлар мавзули фотозўд ва видеолар ҳам тасвирга олдилар.

— Мазкур медиа-тури ҳар йили бир манзил — Жиззах вилояти Янгибод туманининг Хўжамушкент қишлоғида ўтказамиз, — деди Аҳмадали

Шерназаров. — Боиси, ушбу қишлоқда табиийлик тўлиқ сақланган. Шу билан бирга ўзбек қишлоғи қиёфаси ҳам. Булоқлари кўп ва бетақдор. Баланддан оқиб тушадиган чашмалари бор. Уларга “Сувпопулки булоқлар” деб ном қўйганмиз. Ҳар галги медиа-туримиз асосида табиат томошаси билан бирга узаро ижодий мулоқотлар ҳам жуда самарали ўтмоқда. Хусусан, унда ОАВда фаолият юритаётган ёш журналистлар ўзларининг илк касб кўникмалари ва тахририятлардаги иш жараёнлари ҳақида талаба ҳамда ўқувчи шогирдларимга гапириб берадилар. Шунингдек, мазкур суҳбатларда сўз санъатидан, тахрирдан сабоқ олган ва, умуман, ёши маҳоратига эга журналист борки, ОАВнинг қайси йўналишида бўлмасин, ҳар бирида профессионал даражага етиши таъкидланади.

Яқинда келгуси йилги, яъни бешинчи мартаба ўтказиладиган “Табиат ва ёш журналист” медиа-тури бўйича ижодий-ташқилий режалар келишиб олинди. Жумладан, устоз журналист Аҳмадали Шерназаров маҳорат мактаби аъзоларининг мақолаларидан иборат китоб нашр этиш ва унинг тақдироти айнаи медиатур жараёнида ўтказиш белгиланди.

Занжидой АБДУСАЛОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАР

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой тумани. Табиий бойликларга бой, сув манбалари билан машҳур бўлган бу маскан тарихий жиҳатдан ҳам, туризм салоҳияти жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, Қўтирбулоқ каби ноёб булоқларнинг мавжудлиги одамларнинг саломатлиги ва хорижий сайёҳларнинг қизиқишини ошириб келмоқда. Қўтирбулоқ Олтинсойнинг номланиш тарихи, табиатининг шифобахш манбалари ва туристик имкониятлари хусусида икки оғиз сўз юритмоқчимиз.

Олтинсой. Бу номнинг ўзиёқ бу ернинг қадимдан қандай бебаҳо бойликка эга бўлганини эслатади. Маҳаллий аҳолининг ривоятларига кўра, бу ҳудуддан оқиб ўтувчи сойлари чиндан ҳам қонларга бой бўлган, сув йўллари бойлик келтирган, сойларда ҳатто олтин қум заррачалари аниқланган. Соилар бўйида қад ростилаган чинорлар, шабада билан шовуллаган булоқлар бу гўшага гўзаллик ва файз олиб келган. Ҳозир ҳам бу гўша ана шундай бой ва сеҳрли!

Олтинсой ҳудудида жойлашган Қўтирбулоқ — бу ҳудуднинг энг ноёб булоқларидан бири. Унинг энг ажралиб турувчи жиҳати — бу сувнинг баҳор фаслида атиги икки ой давомида оқиб келиши ва айнан шу вақт мобайнида юзлаб одамларнинг келиб бу сувдан катта идишларга йиғиб, уйларига олиб кетишидир. Аҳоли орасида бу “Худонинг қаромати билан чиқа-


диган оби раҳмат” дея эътироф этилади.

Табиий текширувлар ва халқ тажрибаси асосида аниқланишича, Қўтирбулоқ суви организмдаги қанд миқдорини меъёрга сақлаб туришда фойдалидир. Айнан шу сабабли бу сув қандли диабетдан азият чекаётган беморлар учун шифобахш восита ҳисобланади. Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларидан, ҳаттоки Тошкентдан ва қўшни давлатлардан ҳам бу мўъжизавий суви ичиш учун қўллаб одамлар келиб туради.

Қўтирбулоқ ва шу каби бошқа булоқлар — Чинорбулоқ, Заркамар сойлар — нафақат маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзини бойитади, балки бу ерга ташриф буюрувчилар учун ҳам руҳий покланиш, дам олиш ва саломатлиқни тиклаш манбаи ҳисобланади. Бу эса Олтинсойни зиёрат туризми ҳамда соғломлаштирувчи саёҳат йўналишлари учун ёрқин ҳудудга айлантиради.

Сўфи Оллоёр зиёратгоҳи, тоғ ёнбағрида жойлашган сайр йўлакчалари, Олтинсой табиатининг бетақдор манзаралари — буларнинг барчаси туристлар учун нафақат кўнғил очиш, балки маънавий озиқа олиш имконини ҳам беради.

Бугун Олтинсойни шунчаки бир туман эмас, балки табиат, тарих ва шифобахш манбалар уйғунлашган ноёб макон сифатида эътироф этиш мумкин. Бу ерда эко-



туризмни ривожлантириш, сув манбаларини илмий асосда ўрганиш, улар атрофида эко-ҳовиллар, соғломлаштирувчи дам олиш масканлари қуриш орқали Олтинсойни халқаро туризм харитасига киритиш мумкин.

Айниқса, Қўтирбулоқ суви, ўзининг табиий шифобахш хусусиятлари билан олтинга тенг сув деб тан олинмоқда. Унинг таъсири фақат танага эмас, балки руҳга ҳам фойдалидир. Бу сув билан боғлиқ ривоятлар, шифо толган инсонлар ҳикоялари Олтинсой тарихини янада бойитмоқда.

Агар сиз Олтинсой томон йўл олсангиз, Қўтирбулоқ сувидан ичиб кўринг — бу сизнинг танангиз ва қалбингизга бирдай шифо бўлади. Олтинсой тумани ҳақида гап кетганда, фақат унинг табиий бойликлари ёки тарихий номи эмас, балки у ердаги одамларнинг қадриятга содиқлиги, табиатга ҳурмати ва яшаш маданияти ҳақида ҳам сўз юритиш лозим. Бу маскан ҳар жиҳатдан ўзига хос: у ерда яшовчи одамлар булоқ сувини оддий сув эмас, балки Худонинг эҳсонини, табиатнинг мўъжизаси сифатида қадрлайдилар. Ҳар баҳор кириб келиши билан бу ҳудудда табиат уйғонади, булутлар тоғ бағрида тўпланади, ва аллақачон оғзаки ривоятларга айланиб улгурган булоқлар яна сув бера бошлайди. Айнан шу пайтлар Қўтирбу-

лоқдан сув оққани эшитилган заҳоти бутун маҳалла аҳли ҳаракатга тушади.

Бундан ташқари, Қўтирбулоқ атрофида ҳосил бўлган ижтимоий ҳаёт ҳам эътиборга лойиқ. Бу булоқ одамларнинг нафақат шифо, балки дўстлик, қўшничилик, ҳамжихатлик руҳи билан бирлаштиради. Ҳар йили сув пайдо бўлиши олдидан маҳалла ёшлари ва оқсоқоллари томонидан умумхалқ ҳашари уюштирилади: йўллар тозаланади, булоқ атрофи ободонлаштирилади, ёнгинасида супа, соябонлар, дам олиш ўринлари тайёрланади. Бу ҳолат, албатта, Олтинсойнинг жамиятида табиатни қадрлаш билан боғлиқ ижтимоий бирлиқни кўрсатади.

Олтинсой — улуг зотлар қадамжоси. Бу ерда авлиё шoir Сўфи Оллоёр қадамжоси бўлиб, минг-минглаб, миллионлаб юртошларимиз, юртимизга келадиган меҳмонлар учун зиёратгоҳга айланган. Туманда Хўжайиқ ота бўлоғи ва зиёратгоҳи ҳам мавжуд. Бу булоқ суви ҳам турли касалликларга шифобахш бўлиб келаётганини сир эмас. Умуман, Олтинсой ўзининг танти, меҳнаткаш одамлари ва табиат ато этган сирли ва тенгсиз бойликларига эга беқибс гўшадир.

Гулираёна НАЗАРОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети талабаси.

Бобур номли халқаро жамоат фонди жамоаси фонд бошқарув кенгаши раиси Зокиржон Машрабовга турмуш ўртоғи

МЎЪТАБАРХОН ҲОЖИ ОНАНИНГ

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади. Онахоннинг охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин.

Hurriyat
Mustaqil gazeti



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

Адади: 4 359
Буюртма — Г-544

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23⁵⁰

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзиллими: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёлғоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.